Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ 7 апрель 1973 йил, шанба ✦ № 82 (15.556). ● Баҳоси 2 тийин.

СОВЕТ РАҲБАРЛАРИНИНГ ФИНЛЯНДИЯ РАҲБАРЛАРИГА ТАБРИГИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Финляндия Республикасининг Президенти Урхо Кекконенга қуйидаги мазмунда телеграмма йўлладилар:

СССР билан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Шартнома имзоланган куннинг 25 йиллиги муносабати билан, Президент жаноблари Сизга ва Сиз орқали дўст Финляндия халқига совет халқи номидан, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номиден самимий табрикларимизни йўллаймиз.

Бу Шартнома ҳар иккала мамлакатларимизнинг дўстлиги ва яхши қўшничилик муносабатларини ўрнатиш ҳамда мустаҳкамлашда жуда катта роль ўйнади. Ўтган қорак аср мобайнида ана шу Шартнома асосида СССР билан Финляндия ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлик муносабатлари қарор топди, сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техника, маданият соҳаларида ва бошқа соҳаларда кенг ҳамкорлик муваффақиятли суратда ривожланиб бормоқда.

1948 йил апрель ойидан буён ўтган давр Совет — Финляндия Шартномаси ҳар иккала мамлакат халқларининг узоқ вақтга мўлжалланган туб манфаатларига мос бўлиб тушганлигини яққол кўрсатди. Совет Иттифоқи ва Финляндия 1970 йилда Шартномаининг амалда бўлиш муддатини кейинги 20 йилга мўлжаллаб қайтадан узайтириш тўғрисида қабул қилган қарори ана шу тарихий ҳужжатдаги барча қоидаларнинг кучи ва ҳаётийлигини тасдиқлади.

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасида тузилган Шартнома турли ижтимоий системадаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши принципларига асосланган бўлиб, муҳим халқаро аҳамиятга эгадир. Шартнома Европанинг шимолида ва умуман Европа қитъасида тинчлик ҳамда хавфсизликни мустаҳкамлашнинг жиддий омили бўлиб келди ва шундай омил бўлиб қолаверади.

СССР билан Финляндия ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик мамлакатларимиз халқларининг ва умумий тинчлик манфаатлари йўлида 1948 йил Шартномасининг мустаҳкам негизида бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверади, деб қатъий ишонч билдирамиз.

Президент жаноблари, Сизнинг давлат фаолиятингизда бундан буён ҳам муваффақиятларга эришувингизни, дўст Финляндия халқининг фароғати ва гуллаб-яшнашини истаймиз.

* * *

Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Финляндия Шартномасининг 25 йиллиги муносабати билан СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Финляндия Республикасининг Бош министри Калева Сорсага табрик телеграммаси юборди.

Телеграммада бундай дейилади: турли социал системадаги мамлакатлар бўлмиш Совет Иттифоқи ва Финляндия чорак аср илгари 1948 йил Шартномасини имзолаб, ўзларини бир-биридан ажратиб турган нарсаларга барҳам бера олганликларини ва тинчлик, дўстлик ҳамда ҳамкорлик йўлини танлаб олганликларини англаш ҳозирги кунда айниқса ёқимлидир. Совет Иттифоқи билан Финляндия ўртасидаги дўстона муносабатлар 25 йил мобайнида ҳар томонлама ривожланди ва ўзаро фойдали ҳамкорликнинг хилма-хил формаларини вужудга келтирди. Шартнома мамлакатларимизнинг хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш учун барқарор шарт-шароитларни яратиб берди. Шартнома Европа қитъасида тинч вазиятни ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатмоқда.

Телеграммада 1948 йил Шартномаси бундан буён ҳам Совет Иттифоқи билан Финляндия Республикаси ўртасидаги дўстона муносабатларни муваффақиятли суратда ривожлантиришнинг мустаҳкам негизи бўлиб қолаверади, деб ишонч билдирилади.

СОВЕТ—ШВЕЦИЯ ҚЎШМА АХБОРОТИ

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Швеция ҳукуматининг таклифига биноан 1973 йил 2 апрелдан 6 апрелга қадар Швецияда расмий визит билан меҳмон бўлди. А. Н. Косигин ва унинг ҳамроҳлари Стокгольмдан ташқари Гетеборг ва Авеста шаҳарларини бориб кўрдилар, швед халқининг турмуши билан танишдилар, саноат корхоналарини, жамоат муассасаларини ва маданий муассасаларини бориб кўрдилар. Совет ҳукуматининг бошлиғи ва унинг ҳамроҳлари ҳамма жойда шодлик ва самимият билан кутиб олиндилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Швецияда бўлган чоғида уни Швеция қироли Густав VI Адольф жаноб олийлари қабул қилди ва унинг шарафига нонушта зиёфат берди.

Ахборотда айтиладики, визит чоғида СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан бош министр У. Пальме ўртасида музокаралар олиб борилди. Очиқ кўнгиллилик ва дўстлик вазиятида ўтган музокаралар чоғида ҳар икки томонни қизиқтираётган кўпгина актуал халқаро масалалар устида, шунингдек Совет — Швеция муносабатлари ва бу муносабатларни янада ривожлантириш масалалари устида батафсил фикрлашиб олинди. Бу фикрлашувлар Совет Иттифоқи ва Швециянинг бир қанча халқаро масалаларга доир нуқтаи назарларини ойдинлаштиришга ёрдам берди ва томонларнинг позициялари кўп ҳолларда бир-бирига мос келганлиги ёки яқин эканлигини кўрсатди.

Томонлар халқаро ҳаётдаги ижобий ўзгаришлар сиёсий иқлимни яхшилаётганлигини, бу эса халқаро вазиятни янада юмшатиш учун янги имкониятлар вужудга келтирганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Уларнинг қатъий фикри шуки, давлатларнинг тинч-тотув яшаши принциплари давлатлараро муносабатларда тобора кўпроқ қарор топаётганлиги туфайли мана шундай ижобий ўзгаришлар рўй бериши мумкин бўлиб қолди. Совет Иттифоқи ва Швеция воқеаларнинг бундай ривожланиши давом этишига ва мустаҳкамланишига бундан буён ҳам бутун чоралар билан кўмаклашаверади.

Томонлар давлатларнинг социал системаларидан қатъий назар улар ўртасидаги ҳамкорликнинг халқаро тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлаш учун бўлган аҳамиятини таъкидлаб ўтдилар.

Томонлар Швециянинг бетарафлик сиёсати Европада тинчликни ва хавфсизликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили сифатида кенг равишда эътироф қилинганлигини қайд қилиб ўтдилар.

Ҳар иккала томон Европа давлатлари ўртасида муносабатлар яхши ривожланиб бораётганлигини ҳам табриклашди ва Европадаги кескинликни янада юмшатмоқ учун мавжуд имкониятлардан актив фойдаланиш заруллигини ўқтириб ўтишди.

Томонлар хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишлаб умумевропа кенгашини тайёрлаш борасида Хельсинкида ўтказилаётган кўп томонлама маслаҳатлашувларнинг муҳимлигини ўқтириб ўтдилар. Совет ва швед ҳукуматлари шу маслаҳатлашувларнинг муваффақиятли тугалланишига актив равишда кўмаклашишга интилаётганликлари таъкидланди. Улар, кенгаш шу йил июнь ойида Хельсинкида бошланиши мумкин, деб умид билдирдилар.

Улар якдиллик билан шу фикрни айтдиларки, биринчи навбатда марказий Европадаги қуролли кучларни ва қурол-яроғларни қисқартириш тўғрисида битимга келиш Европа қитъасида тинчликни янада юмшатишга ва мустаҳкамлашга ёрдам берган бўлур эди.

Томонлар Якин Шарқдаги вазият ҳануз хатарли бўлиб турганлигидан ўзларининг жиддий ташвишланаётганликларини изҳор қилдилар. Улар Яқин Шарқдаги можарони Хавфсизлик кенгашининг 1967 йил 22 ноябрдаги резолюцияси асосида ҳал этмоқ учун бутун куч-ғайрат сарфланиши муҳимлигини ўқтириб ўтдилар.

Ҳар иккала томон Вьетнамдаги уруш тўхатилганлигидан ғоят мамнун бўлганликларини изҳор қилдилар. Томонлар Вьетнамда урушни тўхатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисида 27 январда имзоланган Париж битимини ва Вьетнамга бағишланган халқаро конференциянинг якунловчи актини табрикладилар. Улар шу ҳужжатларнинг моддаларини томонларнинг ҳаммаси оғишмай ва тўла равишда бажариши муҳимлигини ўқтириб ўтдилар.

Ахборотда ўқтириб айтиладики, томонлар Болтиқ денгизи райони даги денгиз муҳитини муҳофаза қилиш масалаларини ҳал этишда Болтиқ бўйидаги барча мамлакатларнинг ҳамкорлик қилиши ғоят муҳимлигини қайд қилиб ўтдилар ва яқинда Болтиқ бўйи мамлакатларининг баъзилари шу масалаларни кўп томонлама асосда ҳал этишни таклиф қилганлигини табрикладилар.

Томонлар Совет — Швеция муносабатларига тўхталиб, бу муносабатлар стабил характерда эканлигини ва кейинги йиллар давомида кўпгина соҳаларда янада ривож топганлигини мамнуният билан қайд қилдилар. Ҳар иккала томон Совет Иттифоқи билан Швеция ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини ва ҳамкорликни тағин ҳам ривожлантирмоқ учун мавжуд катта имкониятлардан актив равишда фойдаланиш истагида эканликларини айтдилар.

Улар ҳар икки мамлакат ҳукуматларининг ва идораларининг вакиллари бир-бирлари билан учрашиб алоқа қилиб туришлари муҳимлигини ўқтириб ўтдилар. Улар ҳар иккала томонни қизиқтираётган халқаро масалалар устида ҳам, икки томонлама Совет — Швеция муносабатларига доир ҳам давом этаётган фикрлашувларни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантира беришга ўзларининг тайёр эканликларини билдирдилар.

Томонлар Совет Иттифоқи билан Швеция ўртасидаги иқтисодий алоқалар бундан буён ҳам кенгайтирилиши ва чуқурлаштирилишидан ўзларининг ғоят манфаатдор эканликларини изҳор қилдилар, бунинг учун яхши шарт-шароит мавжудлигини қайд қилиб ўтдилар.

Томонлар Совет — Швеция савдосини ижобий ривожлантиришнинг аҳамиятини ўқтириб ўтдилар. Улар шу мақсадда қилинаётган ташаббусларни табрикладилар ва шу билан бир вақтда, ҳозир тегишли совет ва швед ташкилотлари ва фирмалари бир қанча йирик лойиҳаларни муҳокама қилаётганлигини қайд қилиб ўтдилар.

Ахборотда айтиладики, томонлар саноат ва фан-техника соҳасида, шу жумладан энергетика ва космосни тадқиқ қилиш соҳасида ҳамкорликни янада ривожлантириш матлуб эканлигини ўқтириб ўтдилар.

Музокаралар давомида томонлар шундай бамаслаҳат фикрга келдиларки Совет — Швеция иқтисодий, саноат ва илмий техникавий ҳамкорлигини янада ривожлантириш бу ҳамкорликнинг ғоят ҳам узоқ муддатли бўлишига ёрдам берган бўлур эди. Шу муносабат билан ҳар иккала ҳукумат бошлиқлари Совет — Швеция ҳукуматлараро ўралаш комиссиясига узоқ вақтга мўлжалланган мана шундай ҳамкорлик учун муҳим негиз яратиб бериш мақсадини кўзловчи таклифларни ишлаб чиқишни топшердилар.

Ҳукуматларнинг бошлиқлари маданият, фан, маориф, спорт ва туризм соҳаларида совет—швед алоқаларини янада ривожлантириш муҳимлигини ўқтириб ўтдилар. СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигининг визити муносабати билан Совет Иттифоқи ва Швеция ўртасида 1973—1974 йилларга мўлжалланган маданий ва илмий ҳамкорликнинг янги программаси имзоланди.

Ҳар иккала томон визит чоғида эришилган натижалардан мамнун бўлганликларини изҳор этдилар. Бу натижалар Совет Иттифоқи билан Швеция ўртасида яхши қўшничилик муносабатларини янада ривожлантиришга ижобий ҳисса бўлиб қўшилади.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ўзининг меҳмондўстлик ва дилхушлик билан кутиб олинганлиги учун Швеция ҳукуматига миннатдорчилик изҳор қилди. Швеция бош министри Улоф Пальмега расмий визит билан Совет Иттифоқига келиш тўғрисида таклифнома топширди. Бу таклиф мамнуният билан қабул қилинди. Визит вақти дипломатик йўл билан келишиб олинади. (ТАСС).

Ленин районидаги «Правда Востока» колхози пахтакорлари 50 центнерлик маррани кўзлаб меҳнат қилишляпти. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Қобил Мирзаев раҳбарлик қилаётган бригада аъзолари эса гектар бошига 60 центнер ҳосил етиштириш учун бел боғлашган. Ҳозир далаларда меҳнат авжида, ҳамма чигит экишни тезроқ тугаллаш иштиёқида ғайрат билан ишламоқда. Суратда: яхши текисланган майдонга чигит қадаш пайти тасвирланган.

Р. Ашуров фотоси, (ЎзТАГ).



ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Республика касаба союзлари активининг 6 апрелда Тошкентда бўлиб ўтган йиғилиши партия XXIV съезди ва КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми қарорлари асосида меҳнаткашлар ўртасида тарбиявий ва маданий-оммавий ишларни янада яхшилаш соҳасида Ўзбекистон касаба союзларининг ролини ошириш масаласини муҳокама қилди. Йиғилишда Ўзбекистон касаба союзлари республика советининг секретари Н. М. Маҳмудов доклад қилди.

Йиғилишда касаба союз ташкилотлари ва уларнинг маданий-оқартув муассасалари ленинча ғоявий меросини пропаганда қилиш, ишчи меҳнаткашлар оммасини меҳнатга коммунистик муносабат руҳида, юксак интизомлилик, совет ватанпарварлиги ва пролетар интернационализми руҳида тарбиялаш соҳасидаги ишларини кучайтирганликлари ўқтириб ўтилди. Шу билан бирга касаба союзларининг тарбиявий ишини ташкил қилишда ҳали ҳам камчиликлар борлиги таъкидланди.

Қабул қилинган қарорда ўртоқ Л. И. Брежневнинг «Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг эллик йиллиги тўғрисидаги» докладида айтиб ўтилган ғоявий-назарий хулосаларни барча меҳнаткашлар чуқур ўрганиши муҳим эканлиги таъкидлаб ўтилди.

ЭКИШ ИЛҒОРЛАРИ

АНДИЖОН. «Правда» колхози пахтакорлари районда биринчи бўлиб чигит экишга киришдилар. Кузда сифатли шудгорланиб, гектарига 10 тоннадан маҳаллий ўғит солинган ерга уруғ қадалмоқда. Э. Матёқубов, М. Давлатов, Т. Чортоқов каби мўл ҳосил усталари бошчилик қилаётган бригадаларда чигит экиш тезкорлик билан давом этмоқда.

Т. ҲАТАМОВ.

* * *

ШОФИРКОН. Далаларга баҳор келди. Чигит экиш агрегатлари пайкалларга чиқарилди. «Ленинобод» колхози пахтакорлари бу йил 1470 гектар майдонга чигит экишни тез кунларда тугаллаш учун ҳамма имкониятларни ишга солмоқдалар. Ҳаққул Бокиев, Жилвон Арабов сингари илғор механизаторлар кунига 7 - 8 гектар майдонга чигит қадамоқдалар.

К. КАРИМОВ.

* * *

ШЕРОБОД. Райондаги Ленин номли колхознинг Олтибой Эшматов бошлиқ бригадасида баҳорги далага ишлари уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бригаданинг Қурбонмурод Хуррамов, Норбой Бобоқулов, Худоймурод Алманов каби механизаторлари 86 гектар майдонга чигитни бир ҳафтада экиб бўлдилар.

М. ЖАЛИЛОВ.

* * *

ҚУВА. «Москва» колхозининг Т. Сайдаҳмедов бошчилик қилаётган бригадаси аъзолари чигит экишни муваффақиятли тугалладилар. Илғор механизатор Турсунали Ҳасанов кунига 7-8 гектар майдонга уруғ қадади. Чигит экиш олдидан далалар бир йўла минерал ва маҳаллий ўғитлар билан озиқлантирилмоқда. Шунингдек, Димитров номли колхознинг Мамажон Кенжаев етакчилик қилаётган 40 центнерчи бригадаси ҳам чигит экишни тугаллади.

Б. ҚАЮМОВ.

* * *

ЧУСТ. «Ўзбекистон» колхози далаларида 12 та чигит экиш агрегати бетинам ишлаяпти. Кунига 50-60 гектар ерга уруғ ташланмоқда. Чигит экишда Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати Норқул Раҳмонов, Улканбой Тилланазаров, Шомурод Жалилов, Шойимамат Эргашев бошчилик қилаётган бригадалар пешқадамлик қилишяпти.

Т. ИНОМХОНОВ.

Н. В. ПОДГОРНИЙНИНГ ФИНЛЯНДИЯДА БЎЛИШИ

ХЕЛЬСИНКИ, 5 апрель (ТАСС махсус мухбири). Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет—Финляндия шартномасининг 25 йиллиги муносабати билан Финляндияда расмий визит билан меҳмон бўлиб турган СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний бугун Эспо шаҳрида «Оутокумпу» илмий тадқиқот марказини ва «Орион» фирмасининг фармацевтика заводини бориб кўрди.

«Оутокумпу» акцияли жамиятининг илмий ишлар билан шуғулланувчи директори профессор П. Хаппало Финляндиядаги мана шу жуда катта кон-металлургия бирлашмасининг фаолияти тўғрисида гапириб берди. Бу илмий тадқиқот маркази кон қазиш ва металлургия саноатидаги иш жараёнларини автоматлаштирадиган ускуналар лойиҳасини тузиб беради.

Суҳбат чоғида «Оутокумпу» жамиятининг совет ташкилотлари билан, аввало СССР Рангли металлургия министрлиги билан қилаётган илмий-техникавий ҳамкорлигига доир масалалар ҳақида гаплашилди.

Илмий тадқиқот марказининг ҳурматли меҳмонлар фикр ёзиб қолдирадиган дафтарига Н. В. Подгорний ҳам ўз фикрини ёзиб меҳмондўстлик учун ташаккур изҳор этди. «Бу ерда биз қизғин кутиб олинганлигимиз, — деб ёзди Н. В. Подгорний, — Совет—Финляндия муносабатлари учун характерли бўлган ҳаммадаги дўстлик, яхши қўшничилик ва амалий ҳамкорлик кайфиятини акс эттириётганлигига аминман».

«Орион» бирлашмасига қараштли фармацевтика корхонасининг коллективи ҳам Совет Иттифоқидан келган меҳмонни қизғин кутиб олди. Бирлашма правлениесининг раиси П. Коскело меҳмонларга заводнинг ишлаб чиқариш жараёнларини тушунтириб берди. Ҳурматли меҳмонлар дафтарига Н. В. Подгорний ўз фикрини ёзиб қолдирди. «Орион» заводининг маҳсулоти, дейилади шу ёзувда, энг инсонпарвар мақсадларга — одамлар соғлиғини сақлашга хизмат қилади.

Муниципалитет раиси С. Вестерлаунд Олий меҳмонни Эспо шаҳри аҳолиси номидан табриклади. Эспо шаҳрининг аҳолиси, деди у, фин ва совет халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга бутун чоралар билан кўмаклашаверади.

Учрашув ва суҳбатлар чоғида Н. В. Подгорний, СССР билан Финляндия ўртасида дўстлик, ҳамкорлик ва амалий алоқалар Совет—Финляндия шартномаси асосида бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланаверади, деб ишонч билдирди.

Бу сафарда Н. В. Подгорнийга Финляндия ташқи савдо министри Ю. Линнамо ҳамроҳлик қилди.

* * *

ХЕЛЬСИНКИ, 6 апрель. (ТАСС махсус мухбири). Кеча кечқурун Финляндия давлат кенгаши ҳукумат қабул маросимлари ўтказиладиган уйда СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний шарафига зиёфат берди.

Зиёфатда Финляндия томонидан республика президенти У. К. Кекконен, парламент депутатлари, ҳукумат аъзолари ва бошқа расмий кишилар ҳозир бўлдилар.

Зиёфатда Финляндия бош министри К. Сорса Н. В. Подгорнийга ва унинг ҳамроҳларига табрик нутқи билан мурожаат қилди.

Н. В. Подгорний жавоб нутқи сўзлади.

* * *

ХЕЛЬСИНКИ, 5 апрель. (ТАСС). Бугун СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. В. Подгорний ва Финляндия Президенти У. К. Кекконен таниқли совет скрипкачиси, Ленин мукофоти лауреати СССР халқ артисти Давид Ойстрах концертида бўлишди.

Бу концерт дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет — Финляндия Шартномасининг 25 йиллиги муносабати билан «Финляндия—Совет Иттифоқи жамияти» томонидан ташкил этилди.

ЧИГИТ ВА МАККАЖЎХОРИ ЭКИШ ҚАНДАЙ БОРМОҚДА

Республика областларида чигит ва маккажўхори экишнинг бориши тўғрисида шу йил 6 апрелга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — областлар; иккинчи устун — чигит экилган майдон (гектар ҳисобида); учинчи устун — бажарилиш процента, тўртинчи устун — маккажўхори экилган майдон (гектар ҳисобида); бешинчи устун — бажарилиш процента.

Наманган	17945	13,4	6428	40,0
Сурхондарё	10062	8,0	5218	52,6
Андижон	14031	7,6	7113	79,2
Фарғона	12174	6,5	7978	34,5
Тошкент	7666	5,5	9978	46,1
Сирдарё	11745	5,1	12189	65,7
Бухоро	4034	2,6	5036	30,1
Қашқадарё	1539	1,4	3447	29,0
Самарқанд	1982	1,3	3623	18,6
ҚҚАССР	169	0,1	47	0,2
Хоразм	55	0,05	456	3,8
Республика бўйича:	81402	4,9	61513	34,7

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИШЛАРИ КУНДАЛИГИ

КАРТОШКАНИ ТЕЗРОҚ ЭКАЙЛИК

Далаларда илиқ баҳор ҳукмрон. Республика деҳқонлари ҳар бир очиқ кундан унумли фойдаланиб, ҳозиргача 6 минг гектардан ортиқ майдонга картошка экдилар. Бу ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан уч марта кўпдир. Картошка экишни уюшқоқлик билан олиб бораётган Тошкент областида йиллик экиш плани 51,8 процент, Қашқадарё областида 58,2 процент, Сурхондарё областида — 46,4 процент бажарилди.

Калинин, Оржоникидзе, Қарши, Бўстонлик, Оҳангарон, Бекобод, Марҳамат, Нарпай, Бўка, Иштихон, Хатирчи, Гагарин, Денов, Китоб ва Косон районларининг колхоз ва совхозлари картошка экиш планини муваффақиятли адо этиб, эндиликда ниҳоллар парваришини кучайтирмоқдалар.

Лекин бир қатор область ва районларда картошка экишнинг энг қулай муддатлари бой берилмоқда. Жумладан, Наманган области картошка экиш планини 10,3 процент, Самарқанд области 10,8 процент, Сирдарё области — 28,4 процент бажарди, холос.

Шеробод, Термиз, Самарқанд, Юқори Чирчиқ районларининг хўжаликлари картошка экишни эндигина бошладилар. Бахмал, Пайариқ ва Деҳқонобод районларида эса бу муҳим ишга киришилганича йўқ.

Картошка экишни 10-15 апрелга қадар тугаллаш лозим. Бунинг учун эса экиш суръатини кучайтирмоқ керак. Шу билан бир вақтда уруғларнинг тўла кўчатга айланиши учун агротехника талабларига тўла риоя қилиш, экинлар оралигини бороналаш, суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан етарлича озиқлантириб, картошкадан мўл ҳосил етиштирилишини таъминлаш зарур.

А. Н. КОСИГИННИНГ ШВЕЦИЯГА ВИЗИТИ

СТОКГОЛЬМ, 5 апрель. (ТАСС махсус мухбири). Бугун Стокгольм муниципалитети СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин шарафига нонушта зиёфат берди.

Муниципалитет раиси Э. Юханнессон мўътабар совет меҳмонини табриклаб, икки пойтахт, яъни Москва билан Стокгольм ўртасидаги яхши муносабатлардан ўзининг мамнун эканлигини айтди. «Икки ўртада ўзаро бўлаётган визитлар туфайли биз ғоят яхши ҳамкорликни йўлга қўйиб олдик», — деди у.

Э. Юханнессон Совет ҳукумати бошлиғининг соғлиги учун қадаҳ кўтарди.

А. Н. Косигин ўзининг жавоб нутқида, Швециядаги турли касб аҳллари, турли социал мавқедаги кишилар, жамият кенг табақаларининг намояндалари Совет Иттифоқи билан ҳамкорликни ривожлантиришга, ҳамжиҳатликни чуқурлаштиришга интилаётганлигини қайд қилиб ўтди.

Совет халқи ҳам, деди у, швед халқини ниҳоят даражада ҳурматлайди, унинг турмушига қизиқади ва совет — швед яхши қўшничилик муносабатларини юксак даражада қадрлайди. Совет—швед муносабатларини ривожлантиришни мамлакатларимизнинг халқлари ўз манфаатларига мос бўлиб тушаётган муҳим иш эканлигини билмоқдалар. Бош министр Пальме ва Швециянинг бошқа давлат арбоблари билан фикрлашиб олганлигимиз натижасида ҳам бу муносабатларга мана шундай баҳо берилди.

Сўнгра Совет ҳукуматининг бошлиғи айтдики. Стокгольм шаҳри СССР билан Швеция ўртасида ҳамкорликни кенгайтиришга катта ҳисса қўшмоқда. Швеция пойтахти билан Совет Иттифоқининг пойтахти Москва ўртасида қизғин дўстона алоқалар бўлиб турибди.

Бу шаҳарда Владимир Ильич Ленининг бўлиши билан алоқадор масаланинг аҳамияти, деди А. Н. Косигин, Совет кишилари учун айниқса қимматли. Ленин Стокгольмда яшаган уйлардан яна бири яқинда архив материалларидан маълум бўлиб қолганлигини биламиз. Ленининг шаҳрингизда бўлган жойлари тўғрисида гамхўрлик қилаётган кишиларнинг ҳаммасига чуқур ташаккур изҳор қиламиз.

А. Н. Косигин дўстрўйлик билан кутиб олган Стокгольмнинг шаҳар маъмурларига ташаккур айтди ва совет—швед ҳамкорлигини янада ривожлантириш шарафига қадаҳ кўтарди.

* * *

СТОКГОЛЬМ, 5 апрель. (ТАСС махсус мухбири). СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бугун «Швеция — СССР» жамиятлари союзи вакилларини қабул қилди. Бу союзнинг раҳбарлари маҳаллий ташкилотларнинг СССР, унинг экономикаси, фан ва маданияти тўғрисидаги билимларни тарқатиш соҳасида бажараётган ишлари тўғрисида сўзлаб беришди. Улар шведларнинг Совет Иттифоқига ғоят қизиқиб қараётганликларини таъкидладилар.

А. Н. Косигин жамиятлар союзи аъзоларининг Швеция ва Совет Иттифоқи халқлари манфаатлари йўлидаги олижаноб фаолиятида катта муваффақиятларга эришувларини тилади.

* * *

СТОКГОЛЬМ, 5 апрель. (ТАСС). Бугун бу ердаги ҳукумат уйида Совет — Швеция ҳужжатларини имзолаш маросими бўлиб ўтди. Бу маросимда СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин билан Швеция бош министри У. Пальме ҳозир бўлдилар.

А. Н. КОСИГИН МОСКВАГА ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин 6 апрелда Москвага қайтиб келди. А. Н. Косигин расмий визит билан Швецияга борган эди.

Внуково аэродромида А. Н. Косигинни К. Т. Мазуров, П. Е. Шелест, Ю. В. Андропов, М. С. Соломенцев ва бошқа ўртоқлар кутиб олишди.

Кутиб олувчилар орасида Швециянинг СССРдаги муваққат ишлар вакили Л. Вестерберг ҳам бор эди.

Бу сафарда А. Н. Косигинга ҳамроҳ бўлган кишилар ҳам у билан бирга Москвага қайтиб келишди. (ТАСС).

«МОЛНИЯ--2»ОРБИТАДА

ТАСС АХБОРОТИ

Ер сунъий йўлдошларидан фойдаланувчи алоқа системаларини янада ривожлантириш программасига мувофиқ 1973 йил 5 апрелда Совет Иттифоқида «Молния-2» алоқа йўлдоши баланд эллиптик орбитага чиқарилди.

«Молния-2» алоқа йўлдоши Совет Иттифоқида олис телефон-телеграф, радио алоқа системасидан фойдаланишни таъминлашга, СССР Марказий телевидениеси программаларини «Орбита» тармоғи пунктларига ҳамда халқаро ҳамкорлик пунктларига юбориб туришга мўлжалланган.

Йўлдошга телевидение программаларини юборувчи ва кўп каналли олис радио алоқа ўрнатувчи аппаратлардан ташқари командаўлчов комплекс аппаратлари, шунингдек йўлдош орбитаси ва электр таъминотини ростлаб, тўғрилаб турувчи системалар ҳам ўрнатилган.

«Молния-2» йўлдоши орқали алоқа сеанслари белгиланган программага мувофиқ ўтказиб турилади.

ИРРИГАЦИЯ ҚУРИЛИШЛАРИДА

СУВ КЕЛДИ, ҲАЁТ КЕЛДИ



Суратларда: 2-«Ҳамза» насос станциясн қурилишида. Бу ерда намуна кўрсатиб ишлашаётган ишчилардан (чапдан) С. Самигуллин ва В. Шашкинни кўриб турибсиз.

Б. Мўминов фотолари, ЎзТАГ.

Қадимдан ҳансираб ётган ерларга сув келтирилса обод посёлкалар қад кўтариб, боғу-бўстонлар вужудга келади, чўлга қайтадан жон киради. Ота-боболаримиз азалдан сув чиқмас ерларга машаққат билан об-ҳаёт келтириб, уни мевали боғларга, ноз-неъмат берувчи экинзорга айлантирганлар, чорвачилик ва ғаллачиликни ривожлантирганлар. Бу анъана ҳамон давом эттирилмоқда. Директива объектларидан ҳисобланган Аму-Бухоро машина каналининг қурилиши фикримизнинг далилидир.

Тўққизинчи беш йилликнинг улкан қурилишларидан бўлган бу каналнинг иккинчи навбатини ниҳоясига етказиш ишлари кун сайин жадаллаштирилмоқда. Канал қурилишининг азаматлари бу йил барча гидротехник қурилишларни, жумладан иккита ноёб насос станцияси, электр узатгич линия ва 120 киловат-соатга мўлжаллаган подстанцияни битказишлари керак. Шунинг учун ҳам бу ердаги ишлар график асосида олиб борилмоқда, техника ва механизмлар воситасидан унумли фойдаланилаётир. Қурувчилар бугун кечагидан, эртага эса бугунгидан ҳам яхшироқ ва унумлироқ ишлаш юзасидан ўзаро мусобақани кенг қизитиб, фидокорона меҳнат қилаётирлар.

Илғор электр пайвандчи комсомол аъзоси Салават Самигуллин ўзининг меҳнатсеварлиги, зарур бўлганда вақт билан ҳисоблашмай ишлаши туфайли коллектив орасида тез танилди. У меҳнат соатнинг ҳар дақиқасидан оқилона фойдаланиб, берилган топшириқларни мунтазам ошириб бажаришга интилади. Владимир Марьин бошчилигидаги арматурачилар бригадаси ҳам намунали ишлари билан ҳамманинг оғзида. Бригада аъзоларидан Саъдулла Ҳотамов, Валерий Шашкин, Эргаш Турдиевларни қурувчиларнинг фахри деса бўлади. Улар ҳамма соҳада барчага ўрнак бўлишмоқда.

Илғор монтажчилардан Евгений Перетягин билан Станислав Жуков ва шуларга ўхшаш ўнлаб бинокорлар меҳнатда янгидан-янги ютуқларни қўлга киритишаётир. Бу пешқадамлар смена топшириқларини доим ошириб адо этишяпти.

233 километрли каналнинг қурилиши ниҳоясига етгандан сўнг Амударё суви чўл томон оқади. Бухоронинг 73 минг гектар чанқоқ ерлари қониб-қониб сув ичади. Қадимдан сувсиз, ҳансираб ётган биёбон обҳаётга тўйгач, пахтазор ерларга ва бошқа экинзорларга айланиб, область хирмонига барака киритади.

2-«Ҳамза» насос станцияси каналнинг юраги ҳисобланади. Қурувчилар уни 1974 йилнинг май ойигача битказишга қарор қилганлар. Қурувчилар бир ғайратга ўн ғайрат қўшиб ишласалар «сув келди, ҳаёт келди» дейиладиган кун янада яқинлашади.

БУГУН — СИРДАРЁ ГРЭСИДА

Ишга тушириладиган объектлар йўқламаси

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ ВА РАДИОСИНИНГ ҚЎШМА РЕЙДИ.

Мамлакатимизнинг ёқилғи билан ишлайдиган энг катта электр станцияси — Сирдарё ГРЭСи пойдеворига 1970 йил 22 апрелда, В. И. Ленин туғилганига 100 йил тўлган қутлуғ кунда дастлабки куб метр бетон ётқизилган эди. Улкан иншоотнинг биринчи навбати белгиланган муддатдан илгари — СССР 50 йиллигига тўёна сифатида ишга туширилди. Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин орзу қилган мамлакатимизнинг катта нур дарёсига яна бир салмоқли ирмоқ қўшилди.

Навбат — ГРЭСнинг иккинчи энергоблоки қурилишига келди. У, шу йилнинг ноябрь ойида фойдаланишга топширилади. Қуйида сиз гигант нур манбаининг қурилиши ҳақидаги махсус рейд материалларини ўқийсиз.

(Рейд материаллари Ўзбекистон радиоси орқали бугун соат 10 дан 40 минут ўтганда эшиттирилиб, республика телевидениеси орқали шу куни соат 17 дан 10 минут ўтганда кўрсатилади).

Бекободга яқинлашганимиз сари Сирдарё ГРЭСининг юксак минораси тобора катталашиб, кўзга яққол ташлана бошлади. Катта қурилиш майдонида вазмин ҳаракат қилаётган 50 тонна юк кўтарувчи забардаст кранлар пештоқидаги байроқчалар шамолда ҳилпирайди. Нурхона бунёдкорлари зўр шижоат ва жасорат кўрсатиб меҳнат қилишяпти.

Фарҳод ГЭСидан 44 марта, Тахиатош ГРЭСидан 15 марта катта бўлган, машҳур Днепро ГЭСдан қуввати 1 миллион 200 минг киловатт кўп, Европа ва Осиёда энг йирик ҳисобланувчи Сирдарё ГРЭСи бунёдкорларининг улкан жасоратини кўриб севинасиз. Бу ерда мамлакатимизнинг қирққа яқин шаҳар ва қишлоқларидан келган қурувчилар ишлашяпти. Турли миллат фарзандларининг ака-укалардек аҳил ва иноқ меҳнат қилишаётганига таҳсин ўқийди, киши. Бу ерда ҳар хил касб-корли бунёдкорлар оиласи дунёга келган. ГРЭСнинг иккинчи энергия блоки барпо этиладиган катта майдонда бетончилар бетон қориш ва ётқизиш билан банд. Монтажчиларнинг эса бошларида каска, қўлларида пайвандлаш таёқчалари, ҳамма ёқни электр таёқчаларидан чирсиллаётган учқунлар тутиб кетган. «Средазэнергомонтаж» участкаси монтажчилари иккинчи навбат учун керакли барча буғ қозони қисмларини, турбина ва генераторларни тахт қилиб қўйишган. «Сирдаря ГРЭСстрой» қурувчилари иш фронти ҳозирлаб беришса бас, энергомонтажчилар 300 минг киловаттли иккинчи энергия блоки монтажини бошлаб юборишади.

Станцияни бутун мамлакат қурмоқда. Бош корпуснинг металл конструкциялари Новосибирскдан олинмоқда, турбинани Ленинград ишчилари юборишяпти, буғ қозони Таганрогда тайёрланган. Украина корхоналари қурилишни трансформатор ва кўтарма кранлар билан таъминлаб туришибди, кабеллар Болтиқ бўйи республикаларидан олиняпти. ГРЭС бунёдкорларининг аҳди юксак. Улар беш йиллик охиригача учта 300 минг киловаттли энергия ишлаб чиқарувчи блокни ишга туширишга, шу тариқа ГРЭСнинг биринчи навбати қувватини 1,2 миллион киловаттга етказишга қарор қилганлар. Бу вазифалар тўла амалга оширилгач, станциянинг иккинчи навбатини ҳар бири 800 минг киловаттли тўртта энергия блокини қуришга киришилади.

Барча монтажчилар, бетончи ва қурувчилар ГРЭСнинг иккинчи энергетика блокини ишга тушириш юзасидан ўз зиммаларига оширилган мажбуриятлар олиб ишлашяпти. СССР 50 йиллиги номи билан аталаётган Сирдарё нурхонаси коллективи КПСС XXIV съезди қарорларини бажариш учун умумхалқ курашига қўшилиб, 1972 йилда катта ғалабаларга эришди: мамлакатнинг энг йирик иссиқлик электр станциясида 300 минг киловатт қувватга эга бўлган биринчи энергетика блоки муддатидан олдин ишга туширилди. Партия ва ҳукуматимиз энергетикларни халқ хўжалигини электр қуввати билан узлуксиз таъминлаб туришга, электр станцияларда ёнилғи сарфлаш салмоғини камайтиришга, ўз эҳтиёжлари учун энергия сарфлашни қисқартиришга, энергетика установкаларида лойиҳада белгиланган параметрларни тезроқ ўзлаштиришга бутун куч-ғайратни қаратишга чақирмоқда.

Сирдарё ГРЭСи коллективи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилида 300 минг киловатт қувватга эга бўлган биринчи энергоблокдан тегишлича фойдаланишни муддатидан илгари ўзлаштиришга, белгиланган қувватлардан фойдаланишнинг нормадаги коэффициентларини бажаришни таъминлашга аҳд қилган. 300 минг киловатт қувватга эга бўлган иккинчи блок муддатидан бир ой илгари — ноябрда ишга туширилади.

Ўрта Осиё энергетика системасининг маркази бўлиб қолувчи гигант Сирдарё нурхонаси — мардлар майдони. Бу ерда энергетика иншоотларини барпо этиш иштиёқи билан қалби олов марди-майдонлар меҳнат қилишяпти. Биз қурилиш майдонини айланганимизда, узоқ шаҳарлардан келиб ишлаётган бинокорлар билан суҳбатлашганимизда ҳали ҳал этилиши керак бўлган бир қатор камчиликлар ҳамда тушунмовчиликлар мавжудлигининг гувоҳи бўлдик. Хўш, қурувчилар ўртасида норозилик туғилаётганининг сабаби нимада? Энергомонтажчиларга ўз вақтида иш фронти ҳозирлаб берилмаётганига ким айбдор? Биз шу хусусда Сирдарё ГРЭСи директорининг ўринбосари Темур Қосимович Қосимхўжаев ҳамда «Сирдарягрэсстрой» бошқармасининг бошқарувчиси Семён Семёнович Функ ва бошқалар билан суҳбатлашдик.

Т. ҚОСИМХЎЖАЕВ: — Қурувчиларга эътирозларимиз бор. Мавжуд капитал маблағлардан самарали фойдаланиш иши ёмон йўлга қўйилганлиги, энг муҳим объектлар қурилишига етарли эътибор берилмаётганлиги, ишчи кучларидан рационал фойдаланилмаётганлиги оқибатида биз баъзи жиҳатлардан қийналиб қоляпмиз. Ишчи-хизматчиларнинг баракали меҳнат қилиши — улар учун яратилган маданий-маиший шароитларга боғлиқ. Шу кунгача ишчи-хизматчиларимиз учун қуриб фойдаланишга топширилиши керак бўлган 400 квартирали уй-жой ўрнига 1966 йилдан бери зўрға 100 квартирали уй-жой қуриб берилди, холос. Уй-жой қурилишидаги бажарилмаган ишлар учун «СирдаряГРЭСстрой» бошқармасига маъмуриятимиз томонидан ўтган йили 278 минг сўм жарима солинди. Ана шундай жарима миқдори бу йил 450 минг сўмни ташкил этмоқда. Ўтган йилнинг сентябрида ишчи, инженер-техник ходимларимиз учун 20 квартирали иккита уй бизга топширилиши лозим эди. Лекин қурувчилар уни бир ой кейин, шундаям чала-чулпа ҳолда ихтиёримизга ўтказишди. 1972 йилда топширилиши лозим бўлган 56 квартирали битта уй, 354 ўринли ётоқхона, 10 сотувчи ишлайдиган магазин ҳанузгача тикланганича йўқ. Шу йилнинг февралида қуриб битказилиши белгиланган 200 квартирали уйнинг ақалли пойдевори қўйилмаган. «Главташкентстрой»га қарашли биринчи уйсозлик комбинати (директори Л. Тарасевич) ўтган йилнинг октябригача 56 квартирали биринчи уйни, ноябрь-декабрда 56 квартирали иккинчи ва учинчи уйларни керакли панеллар билан комплектлаштириши керак эди. Аммо, уйсозлик комбинати шу кунгача зўрға битта уйни комплектлади, холос.

Ишчиларимиз, қурувчиларимиз транспорт етишмаслигидан қийналишяпти. Илгари Бекободдан Сирдарё ГРЭСигача 14 та автобус навбатма-навбат қатнаб турарди. Эндиликда бу маршрут ман этилди. Фарҳод ГЭСидан Сирдарё ГРЭСигача алоҳида маршрут очилиб, унда атиги тўрт-бешта автобус қатнаяпти. Бу кўп сонли ишчи-хизматчиларимиз талабини қондиролмаяпти. Бекатларда ишчиларимиз соатлаб автобус кутиб қолишяпти. Мавжуд касалхона ва мактаб биноларида тугатилиши керак бўлган камчиликлар ҳали анча. Клуб, кинотеатр қурилишларига эътибор берилишини истардик.

С. ФУНК: — Монтажчиларнинг ҳам, нурхонадан фойдаланувчиларнинг ҳам шикоят ва эътирозларини тан оламиз. «Шамол бўлмаса дарахт шохи қимирламайди», деган нақл бор-ку. Аввало, шуни айтиш керакки, биринчи энергия блокини ишга тушириш юзасидан белгиланган иш программасини ошириб адо этдик. Кўзлаган мақсадимизга эришдик. ГРЭСимизнинг қудратли турбина ва генераторлари арзон электр энергия ҳосил қилишга шай. Ҳозир бутун диққат-эътиборимиз иккинчи энергетика блокини шу йилнинг ноябригача қўлдан муваффақиятли чиқаришга қаратилган. Шу мақсадда 12 миллион 400 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини уддалашимиз даркор. Бунинг устидан чиқишга ишончимиз комил. Чунки, биринчи энергетика блоки қурилишида катта тажриба тўплаганмиз. Ана шу тажриба асосида иккинчи энергетика блокини ҳам муддатидан илгари ишга туширамиз. Техникамиз ҳам, ишчи кучимиз ҳам етарли. Қурилиш материалларидан нолийдиган жойимиз йўқ. Фақат Новосибирск металл конструкциялари заводи, Белоруссиядаги Кураховский қоплама панеллар заводи буюртмаларимизни ўз вақтида етказиб беришда оқсаб қолишяпти.

СССР Энергетика министрлиги катта ҳажмли қурилиш-монтаж ишларига сарфланадиган капитал маблағнинг етишмаётганлигини инобатга олиб, ГРЭС қурилишига ёрдам тариқасида бир миллион сўм пул ажратди. Шунинг ҳисобига уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилиши муддатини бир мунча қисқартирмоқчимиз. Бу йил 12 минг 387 квадратметр уй-жойни фойдаланишга топширамиз. Шу пайтгача йўл қўйилиб келинаётган камчиликларни тугатиб, қурилиш суръатини янада жадаллаштириш тадбирларини ишлаб чиқяпмиз.

Сирдарё нурхонаси қурилиши меҳнатсевар бунёдкорларнинг жасорат ва мардлик кўрсатадиган ҳақиқий майдонига айланган. Чиндан ҳам қурилаётган ГРЭСни кўришга қиёс этса арзийди. Уни белгиланган муддатда муваффақиятли қуриб, ишга тушириш — ҳар бир бунёдкорнинг шарафли бурчидир.

М. САИДОВ,
Ўзбекистон радиосининг махсус мухбири,
Ф. АМИНОВ,
Республика телевидениесининг махсус мухбири.
Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

ҚЎЗИЛАТИШНИ УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТКАЗАЙЛИК

СОН ВА СИФАТ

Қўйчилик энг муҳим тармоқ бўлиб, районимиз экономикасида асосий ўрин тутади. Қўйчиволаримиз фидокорлик билан меҳнат қилиб, енгил саноатга қоракўл тери, жун, пўстинбоп ва кўнбоп терилар, аҳолига гўшт, сут, ёғ ва бошқа маҳсулотлар етказиб бермоқдалар. Партия ва совет ташкилотлари меҳнат аҳлининг эътиборини қўйчиликни ривожлантириш асосида маҳсулот тайёрлашни кўпайтириш, сортини яхшилаш, таннархини камайтиришга қаратмоқдалар. Тўғри, ўтган йилларда бу соҳада жиддий камчиликларга йўл қўйилди — озуқа етишмади, иссиқ бинолар торлик қилди, оқибатда қисман чиқим бўлди. Эндиликда бундай камчиликларнинг такрорланишига асло йўл қўйилмайди. Халқимиз шундай яхши ният билан яшаб, меҳнат қиляпти, моддий бойликларни кўпайтиряпти.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев қўйчилик ибтидоий тарзда ривожлантирилаётганини ҳаққоний равишда танқид қилди. Биз бундан тегишли хулоса чиқариб олдик, район партия комитети совет, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, жамоатчилик олдига қўйчиликни илмий асосда тараққий эттириш, йил сайин тўпланиб келинаётган бой тажрибалардан оқилона фойдаланиш, янгилик яратиш, кашфиёт ижод этиш вазифасини қўйди, оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялаш зарурлигини уқтирди. Районимиз меҳнат аҳли партия ташкилотлари атрофига маҳкам жипслашган ҳолда улкан ғалабаларни қўлга киритмоқдалар.

Булар нималардан иборат? Ўтган йили қишлов даврида қўйлар ва қорамоллардан анчагина чиқим бўлган эди. Бу йилги қишлов даврида чиқимни бутунлай тугатдик, ҳар бир хўжаликда планда белгиланган миқдорда туёқ сони бўлишига эришдик. Бултур ем-хашак етишмай катта қийинчиликларга дуч келинган эди, бу йил ем-хашакнинг анча қисми ортиб қолди, уни келгуси қишгача чиритмасдан сақлаш чоралари кўриляпти. Қўйлар, хусусан совлиқлар ўтган қишловдан паст семизликда олиб чиқилганидан кўз юма олмаймиз. Бу йил чорвадорларимизнинг жонбозлик билан қилган меҳнатлари туфайли ўрта ва юқори семизликда олиб чиқилди. Буларнинг ҳаммаси партия ташкилотлари омма орасида олиб бораётган оммавий-сиёсий ва ташкилий-тарбиявий ишларнинг дастлабки самарасидир.

Лекин ҳали ҳал этилиши лозим бўлган жуда катта вазифалар турганини сира унута олмаймиз. Булар нималардан иборат? 1973 йилда 3.600 тонна гўшт, 2.820 тонна сут, 1.173 тонна жун, 116 минг 600 дона қоракўл тери, 540 минг дона тухум тайёрланади. Давлатга 24 минг тонна дон топширишдек вазифа турибди. Биз чорва моллар, хусусан қўйларни ўзимизда етиштирилган озуқа ҳисобига йил — ўн икки ой боқишга кўчишимиз, давлат омборига кўз тикиб ўтиришдан воз кечишимиз керак. Бунинг учун етарли резервларга эгамиз.

Бу вазифаларни нималар ҳисобига бажарамиз? Чорвачилик, хусусан, қўйчиликни олиб кўрайлик. **Районимиз бўйича ҳар 100 бош совлиқдан камида 135 тадан соғлом қўзи олишимиз керак.** Бусиз кўзлаган мақсадга эриша олмаймиз. Қўзи олиш — ишнинг бошланишидир, уни саралашга алоҳида эътибор берилиши лозим. Биз активлар билан маслаҳатлашиб, хўжалик раҳбарларининг мулоҳазаларини эшитиб, урғочи қўзиларнинг ҳаммасини ўстиришга қолдиришни зарур деб топдик. Чунки урғочи чорва молларини кўпайтирмай туриб маҳсулотни кўпайтириб бўлмайди. Ундан ташқари эркак қўзиларни ҳам саралаб, энг яхшиларини ўстиришга қолдирамиз. Хуллас, **ҳар 100 бош қўй ҳисобига камида 100 та қўзини ўстиришга қолдириш районимиз меҳнат аҳлининг шон-шараф ишига айланди.** Сигирлар, паррандаларни ҳам кўпайтириб борамиз.

Бунда нималар кўзда тутиляпти? Йил охиригача районимиз бўйича чорва моллар сонини 350 минг бошга, шу жумладан, совлиқлар сонини 190 минг бошга етказамиз, фермалардаги қорамоллар 7.800 бошни ташкил этади, 1600 бош йилқига эга бўламиз, паррандалар сони 26 ярим мингтадан ошади. Бу билан беш йилликнинг қолган йилларида ҳам гўшт, сут, қоракўл тери, жун ва бошқа маҳсулотлар тайёрлашни кўпайтириб боришга мустаҳкам замин яратамиз.

Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учун яна бир резерв бор. Бу бир терига икки бош чорва молини сиғдиришдир. Айрим хўжаликларда айтарлик тарози босмайдиган қорамоллар, қўйлар, йилқилар, паррандалар ва бошқа чорва моллар гўштга топширилаётганини эътироф этмай бўлмайди. Нега шундай? Ахир, ориқ чорва молларини гўштга топшириш давлатга ҳам, хўжаликларга ҳам зарар келтиради, чорвадорларнинг ўзлари ҳам яхши манфаат кўрмайдилар-ку! Бу борада ҳам халқимиз, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, жамоатчилик билан келишиб олдик, ориқ чорва молларини гўштга топширмаймиз, ҳар бош қўйнинг тирик вазнини 42 килограммга, қорамолни ҳозирча 350 килограммга етказамиз, ҳар бош қўйдан 3 ярим килограммдан жун олинишини таъминлаймиз.

Районимизда қўзилатиш уюшқоқлик билан ўтказиляпти. Мавсумда 170 минг бош совлиқ қўзилайди. Шу кунгача 90 мингдан зиёд совлиқ қўзилади. **Ҳар 100 совлиқ ҳисобига мажбуриятдаги 135 бош ўрнига 156,5 тадан соғлом қўзи олинди.** Энди масаланинг бошқа томонига кўз ташлайлик. Мажбуриятимизда ўстиришга ҳар қачонгидан кўп қўзи қолдириш айтилган. Ҳақиқатда **ҳозирга қадар 85 мингдан зиёд қўзи ўстиришга қолдирилди, шундан 62 минг боши урғочи қўзилардир.**

Қўзилатишда Н. Ҳакимов директорлик қилаётган «Ғозғон» совхози олдинда бормоқда. Бу хўжаликда ҳар 100 совлиқдан 170 тага яқин қўзи олиниб, шундан 105 таси ўстиришга қолдирилмоқда, урғочи қўзилар сони 77 процентини ташкил этмоқда. Совхозга районимизнинг кўчма Қизил байроғи берилди. «Нурота», Эргаш Жуманбулбул ўғли номли, Ленин номли, «Қизилча», 1- «Қўшработ», «Октябрь 50 йиллиги» совхозларида ҳам бу муҳим иш тез ва соз ўтказилмоқда.

1973 йил барча касб эгалари каби биз чорвадорлар учун ҳам катта синов йилидир, келгуси йиллар планларининг сон ва сифат кўрсаткичлари бўйича муддатидан илгари бажарилиши кўп жиҳатдан ва асосан 1973 йил топшириқларининг муваффақиятли ўринланишига боғлиқдир. Халқимиз меҳнатсевар, партия ташкилотларимиз жанговар. Шундай экан, ҳар қадамда янги зафарлар қучаверамиз, чорвачилик маҳсулотларидан ташқари дон, пилла, сабзавот, картошка, қовун-тарвуз, мева, хусусан узум тайёрлашда янгидан-янги ғалабаларга эришаверамиз.

А. ТИЛЛАЕВ,
Самарқанд область, Нурота район партия комитетининг биринчи секретари.

Тошкент холодильниклар заводи коллективи Ўрта Осиёнинг иқлим шароитига мослаштирилган янги хил холодильник ишлаб чиқаришни муваффақиятли ўзлаштирди. СУРАТДА: контролёр Татьяна Селезнева тайёр маҳсулотни синовдан ўтказмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

МАДАНИЯТ ХАБАРЛАРИ

ҲИММАТ

Зинаида Александровна Французова Ленинградда туғилиб, воянга етган. Ўрта маълумот олгач, у ердаги Герцен номидаги чет тиллар институтининг француз тили факультетига кириб таҳсил кўрган. 1941 йилда қўлига қурол олиб, она шаҳрини душмандан ҳимоя қилган ватанпарвар аёл.

Улуғ Ватан урушидан кейин серқуёш республикамизнинг Камаши районига ишга келди. Мана, моҳир педагог Суворов номли ўрта мактабда қишлоқ меҳнаткашларининг фарзандларига чорак асрдан буён француз тилидан дарс бериб, уларнинг қалбига зиё бахш этиб келмоқда.

Зинаида Александровна Ўзбекистон ССР Олий Совети депутати сифатида сайловчилар наказини ўз вақтида бажаришга ҳаракат қилади. Қисқа вақт ичида унинг ташаббуси билан районда минг ўринли янги мактаб биноси, икки қаватли Советлар уйи, Карл Маркс номли совхозда ўн километрли йўл қурилди ва «Коммунизм йўли» колхозида эллик точкали телефон станцияси ўрнатилди. Қатор мактабларда ўнта қўшимча синфхоналар қурилиб, ишга туширилди.

М. ЭСОНОВ.

ҲАЁТБАХШ ҚЎЛЛАР

Карл Маркс номли колхоз аъзоси Маҳмутали Эгамовнинг ўғли Турғунжон тўсатдан оғир дардга чалиниб, шифохонага келтирилди.

Навбатчи врач Одилжон Маҳмудов беморнинг касалини синчиклаб аниқлади. Турғунжоннинг ўпкаси шишиб, атрофида сув тўла пуфакчалар пайдо бўлгани маълум бўлди. Бунинг устига жигар, ўтнинг нормал ишламаётгани ҳам беморга азоб берарди.

Шифокорлар барча имкониятлардан фойдаланиб, Турғунжонни даволашга бутун эътиборни қаратдилар. Бола эллик олти кун деганда даволаниб, уйига қайтди.

— Турғунжондан умидимизни узган эдик, — дейди М. Эгамов, — бунинг учун Риштон районидаги Оқёр шифохонаси врачларидан — О. Маҳмудов, В. Мўйдинов, З. Мадаминов, Х. Ҳусаинов, А. Мирзаолимов, ҳамширалардан — Э. Шавкатова, Д. Абдузулюмова, М. Тожалиева, Д. Саидаҳмедова, Т. Имомова, Н. Аблялимоваларга чексиз миннатдорчилигимизни изҳор қилиб, қўлингиз дард кўрмасин, шифокорлар деймиз.

Р. ЁДГОРОВ.

* * *

Редакциямизга сирдарёлик Ш. Утаев, А. Михлибоев, Ҳ. Одилов, янгийўллик Ю. Акбаров, қўқонлик Н. Ортиқов, тошкентлик А. Ҳошимов, андижонлик А. Абдувалиев ва бошқа газетхонлардан ана шундай хабарлар келиб турибди.

21 апрель — коммунистик шанбалик куни

АРМУҒОН

В. И. Лениннинг туғилган куни олдидан — 21 апрелда коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббус Хоразмда қизғин қўллаб-қувватланмоқда. Область автомобилчилари бу чақириққа биринчилар қаторида лаббай деб жавоб беришди.

Урганчдаги 19-автобаза социалистик мусобақада пешқадамликни қўлда сақлаб келмоқда. Автобаза коллективи 21 апрелда шанбаликда қатнашиб, ундан тушган маблағни беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилди. Коммунистик шанбаликда 170 киши иштирок этади, 90 шофер халқ хўжалик юкларини ташиб беради. 30 минг тонна-километр иш бажарилади. 500 литр бензин ва анча миқдорда мойлаш материаллари тежалади. Шу куни устахонада 55 киши ишлаб, 9 та автомобиль, 3 та мотор, прицеп ва бошқа механизмларни ремонтдан чиқаради.

Шанбаликдан тушган маблағ беш йиллик фондига ўтказилади.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ИБРАТЛИ ИШ

«Андижанводстрой» трестига қарашли 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг ишчи, инженер-техник ходимлари шанбаликни эрта бошлаб, белгиланган планлар бўйича ишга киришишга ва алоҳида бригада, группаларга бўлиниб ишлашга қарор қилишди. Социалистик мусобақада пешқадамлик қилаётган бошқарманинг 1-қурилиш участкаси бинокорлари ўша куни тежалган қурилиш материаллари ҳисобига ишлаб тушган маблағни беш йиллик фондига ўтказишга аҳд қилдилар.

С. МЎЙДИНОВ.

Оламда НИМА ГАП



ЧССР. Бриодаги «Краловополски строирни» машинасозлик заводида тайёрланаётган химия саноати ускуналари Совет Иттифоқида ҳам, бошқа социалистик мамлакатларда ҳам кенг қўлланилаётир. Суратда: аммиак ишлаб чиқаришда қўлланиладиган реактор. У Пистериц (ГДР) даги химия заводига ўрнатилади.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Л. И. БРЕЖНЕВ БИЛАН СУҲБАТ ТЎҒРИСИДА ФРАНЦИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ПАРИЖ, 5 апрель. (ТАСС). Франция Республикасининг президенти Ж. Помпиду совет элчисининг жўнаб кетиши муносабати билан берилган нонушталик зиёфатда гапириб, совет-француз муносабатларининг ҳозирги ҳолатини «бу муносабатлар тараққиётидаги актив давр» деб таърифлади. Шу муносабат билан Ж. Помпиду КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежнев билан учрашувлари катта аҳамиятга эга эканлигини уқтириб ўтди.

Мен, деди Ж. Помпиду, 1971 йил октябрь ойида Л. И. Брежневни Францияда кутиб олиб, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик принциплари тўғрисидаги ҳужжатни у билан бирга имзолаганлигимдан мамнунман. 1970 йилда Совет Иттифоқига борган вақтимда эълон қилинган протоколда бўлганидек, бу ҳужжатда ҳам Франция билан СССРнинг маслаҳатлашиб туриши француз—совет ҳамкорлигининг доимий элементидир, дейилган эди.

Мен бундан икки ой муқаддам Белоруссияда, Заславлда Л. И. Брежнев билан яна учрашдим. 1967 йилда Совет Иттифоқига қилган биринчи сафарим вақтида қилган суҳбатларим каби ана шу кейинги суҳбатлар борасида менда шахсий муносабатлар нуқтаи назаридан ҳам, бу суҳбатларнинг самарали натижалари нуқтаи назаридан ҳам жуда яхши таассурот қолди.

Совет халқи билан француз халқи ўртасидаги дўстлик табиий дўстлик эканлиги ва уруш муносабати билан бошдан кечиришга тўғри келган синовлар ана шу дўстликни янада кўпроқ мустаҳкамлаганлигини ҳаммамиз биламиз. Аммо Франция ҳукумати ҳозирги кунда ўтказиб келаётган сиёсатда бундан ҳам каттароқ нарсаларни кўрамиз. Бу — сиёсий ва ижтимоий тузумимиз турлича бўлишига қарамай, ғарб мамлакатлари билан социалистик мамлакатлар ўртасидаги алоқа қитъамизда мувозанат ва тинчлик бўлиши учун, шунингдек, европаликлар ўртасида ҳамкиҳатлик бўлиши учун зарур эканлигига ишонч ҳосил қилганлигимиздир. Ҳар биримизнинг эътиқодимиз бор, ҳар биримизнинг ўз иттифоқчиларимиз бор, аммо шундай бўлса ҳам биз кескинликни юмшатиш ва ҳамкорлик руҳини қўллаб-қувватлашга қатъий қарор берганмиз.

Сўнгра Ж. Помпиду бундай деди: Мен шу жиҳатдан жуда бахтлиманки, 1973 йилда Европадаги умумий вазият ана шу умидимизга ва ана шу сиёсий йўлга мос бўлиб тушмоқда. Биз январь ойида Л. И. Брежнев билан биргаликда Хельсинкидаги маслаҳатлашувлар ҳақида батафсил фикрлашиб олганлигимиз бежиз эмас. Ҳозирги кунда эса дастлабки ишлар сust боришига қарамай (бундай сусткашлик тўғри амалга оширилаётган дипломатиянинг муқаррар қисмати бўлиши мумкин), кенгаш тез орада чақирилади деб ишониш имконини берганлигини қайд қилмоқдамиз.

Мен гапимга қўшимча қилиб яна шуни айтаманки, кейинги йилларнинг тарихи, хусусан буюк давлатлар ўртасидаги муносабатларда жуда катта эволюция рўй берган 1972 йил тарихи менда яна шундай бир ишонч туғдиради: барча мамлакатлар, ҳеч мустасносиз ўз ролларини бажариб, ўз таъсирларини ўтказа оладилар ва ўтказишлари лозим. Бу менинг фикримча, халқлар ўртасидаги чинакам иноқликнинг зарур шартидир.

Ж. Помпиду Совет Иттифоқи ва Франция ўзларининг мақбул ҳамкорлик сиёсати туфайли кескинликни юмшатиш учун ва тинчлик иши учун кўп иш қилдилар, деб таъкидлади.



ПОЛЬША. Суратда Жешув яқинидаги изоляторлар заводининг цехи тасвирланган. Бу ерда тайёрлана ётган юқори вольтли изоляторлар кўпгина давлатларга экспорт қилинади.

ЦАФ—ТАСС фотоси.

ҲИНДИСТОНДА БИРИНЧИ КОЛХОЗ

ДЕҲЛИ, 5 апрель. ТАСС муҳбири А. Архипов хабар беради:

Жанубий Ҳиндистонинг Керала штатида бош министр коммунист А. Менон бошчилигидаги штат ҳукуматининг бевосита иштирокида Ҳиндистонда биринчи колхоз ташкил этилди. Хўжалик юритишнинг Ҳиндистон учун янги бўлган шу формаси қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиришни кўпайтириш юзасидан кенг имкониятларга эга эканлигини кўрсатиш учун ҳукумат Совет Иттифоқи тажрибасидан фойдаланиб шу колхозни тузди.

А. Менон колхознинг расмий очилиш маросимида сўзга чиқиб, штат ҳукуматининг бу ташаббуси қишлоқ хўжалигида туб ўзгартиш қилишга, шунингдек, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг янги типи афзаллигини намойиш қилиб кўрсатишга қаратилганлигини таъкидлади.

Эрна Кулам районида 523 гектар ерни эгаллаган шу янги коллектив хўжаликни ташкил этиш учун штат ҳукумати 500 минг рупия ажратди. Ҳиндистонда биринчи колхознинг аъзоси ва ҳукумат ажратиб берган ерларнинг коллектив эгаси бўлган 250 оила бригадалар ва звеноларга бўлинган. Бу бригада ва звеноларнинг ҳар бири ўзи учун ажратилган участкаларда кокос ёнғоғи, амбар, мурч етиштиради.

Сайланиб қўйилган бригада раҳбарларидан иборат колхознинг маъмурий кенгаши тузилди. Кенгаш ҳар бир звено учун икки ҳафтага топшириқ беради. Хўжаликнинг барча аъзоларига оид қарорлар уларнинг умумий йиғилишида қабул қилинади.

Колхозда ишловчи эркаклар ва аёллар учун тенг миқдорда гарантияланган иш ҳақи минимуми бир ҳафтада 25 рупия миқдорида белгиланди. Ойлик солиқлар тўланиб, колхознинг жамғариш фондига маблағ ажратилганидан кейин маъмурий кенгаш хўжаликнинг даромадини қилган ишларининг миқдори ва сифатига қараб аъзолар ўртасида тақсимлайди.

Штат ҳукумати колхоз аъзоларига уй-жой, йўл, сув таъминоти системаси ва электр линиялар қуриб беради.

Ҳозирги вақтда Керада штатидаги бошқа районларда ҳам 11 та шундай коллектив хўжаликлар ташкил этиш плани тузилди.

СОЦИАЛИСТИК МАМЛАКАТЛАРДА

● ГАЗЛАМАЛАР КУПАЯДИ

ГАВАНА («Пренса Латина» — АПН). Мутахассислар Кубанинг тўқимачилик саноатини модернизациялаш ва кенгайтириш планини ишлаб чиқдилар 1970—1980 йиллар ичида миллий экономиканинг сармояси бу соҳа бўйича саксон миллион песога етказилади.

Ҳозир Гаванада иккита йирик тўқимачилик корхоналари — «Аригуанабо» ва «Рубен Мартинес Вильена» ишлаб турибди. Ўтган йили «Аригуанабо» тўқимачилик корхонаси олти миллион квадрат метр газлама ишлаб чиқарган эди. Совет корхоналарида тайёрланган янги тўқимачилик асбоб-ускуналари ўрнатилганидан кейин фабриканинг қуввати икки баравар ошади. Яқин келажакда Кубада янги тўқимачилик корхоналари қурилади.

Бу йил мамлакатда тўқимачилик техникуми ва тўқимачилик институти очиш кўзда тутилмоқда.

● ЯНГИ ҚУРИЛИШЛАР

УЛАН-БАТОР. (АПН махсус муҳбири). Монголиянинг пойтахти йилдан-йилга кўркамлашиб бормоқда. Бу йил Улан-Батор аҳолиси 38 минг квадрат метр уй-жойда ҳовли тўйларини ўтказади, 7 та бошлангич ва ўрта мактаб, бир неча касалхона, кинотеатр, магазин, ошхона, болалар боғчаси ва яслиси учун биноларқад кўтаради.

Шаҳар саноат корхоналарининг ишлаб чиқараётган маҳсулотлари ҳам 6,3 процент ўсади. Янгидан завод ва фабрикалар қурилмоқда ва эскилари реконструкция қилинмоқда. Яқин орада 3-ТЭЦ тўқимачилик фабрикаси, автобус ва енгил автомашиналарни ремонт қиладиган цех ва шу кабилар ишга туширилади. Пойтахтда биринчи марта ёш томошабинлар театри очилади.

● ҚИРОЛЛАР ЯШАГАН ЖОЙЛАР

БУДАПЕШТ. (Будапресс—АПН). Венгрия пойтахтининг Буда томонида собиқ қироллар саройини қайта тиклаш ишлари тез суръатлар билан олиб борилмоқда. У реконструкция қилинганидан кейин мамлакатда ва Европадаги энг йирик маданият марказларидан бири бўлиб қолади.

Венгрия Халқ Республикасининг ҳукумати саройда Ишчилар ҳаракати музейини, Будапешт тарих музейини, Сечени номидаги давлат кутубхонасини, Венгрия миллий галереяси ва бошқа ташкилотларни шу ерга жойлаштиришга қарор қилди.

ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Совет Иттифоқининг қардош социалистик мамлакатлар билан алоқалари муваффақиятли ривожланмоқда. Ҳар икки томон учун қулай савдо-сотиқ ва иқтисодий ҳамкорлик бунга мисол бўла олади. Бу ҳамкорлик қардош мамлакатларга социализмнинг моддий-техника базасини ривожлантириш соҳасида турган катта-катта вазифаларни бажаришга имкон бермоқда.

✦ ВАРШАВА. Хожувдаги «Конталь» пўлат конструкциялар заводи бу йил Совет Иттифоқи учун темир йўллар ўрнатиш ва ремонт қилиш учун 500 та махсус жиҳозланган вағонлар ва платформалар тайёрлаб беради.

Польша Халқ Республикаси билан СССРнинг ўтган йили бир-бирларига етказиб берган маҳсулотлари қиммати қарийб 2,8 миллиард сўмликдан иборат бўлди ва 1950 йилдагига нисбатан деярли 10 баравар ошди. Бу йил ҳар иккала мамлакат ўртасида товар оборoти ўтган йилдагидан қарийб 9 процент ошади.

Польша заводлари ва фабрикаларида ишланган машиналар ва қурилмалар билан жиҳозланган саноат корхоналари Совет Иттифоқининг турли районларида ишлаб турибди. Ҳозир Польшадан СССРга электротехника ва химия маҳсулоти экспортининг 44 проценти, енгил саноат буюмларининг 65 процентдан кўпроғи юборилмоқда. Ҳар иккала мамлакатнинг бир-бирларига хом ашё ва материаллар етказиб туриши уларнинг халқ хўжалиги учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўз навбатида кейинги йилларда Польша Халқ Республикасида совет асбоб-ускуналари билан жиҳозланган 100 саноат объекти ишга туширилди.

✦ СОФИЯ. Болгария билан Совет Иттифоқи ўртасида товар оборoти бу йил 2,6 миллиард сўмлик бўлади. Товар оборотида тикувчилик саноати буюмлари катта ўрин эгаллайди. Булар орасида ип ва жун газлама, тайёр устки кийимлар бор. Совет Иттифоқига Болгария тикувчилик корхоналари — Софиядаги «Витоша», Варнадаги «Дружба», Пловдивдаги «Болгария» ва бошқа тикувчилик корхоналаридан 15 миллион дона тайёр кийим-кечак юборилади.

1975 йилда Болгария тикувчилик саноати маҳсулотини Советлар мамлакатига экспорт қилиш 40 процент кўпаяди. Енгил саноат соҳасида, жумладан тўқувчилик станоклари ишлаб чиқариш, енгил саноатнинг янги ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва қуриш соҳасида ҳар иккала мамлакат ўртасида кооперативлаштириш кенг ривож топди.

✦ ПРАГА. Чехословакиядаги Нови-Ичин шаҳрида «Тонак» бош кийимлар фабрикаси маҳсулотини жаҳондаги кўп мамлакатлар сотиб олмоқда. Бу корхона шляпалар ишлаб чиқаришга ихтисослашмоқда. Фабрикада 440 фасонда эркаклар ва аёлларнинг шляпалари тикилмоқда.

Совет Иттифоқини ҳақиқатдан ҳам «Тонак» фабрикаси буюмларини сотиб олаётган энг катта харидор деса бўлади. Фабрика экспорт қилаётган маҳсулотнинг ярмидан кўпини Совет Иттифоқи олмоқда.

Добржиш шаҳридаги кўн-галантерея фабрикаси Совет Иттифоқи билан муваффақиятли ҳамкорлик қилмоқда. Добржиш фабрикасининг мастерлари ҳар йили 5 миллион жуфтдан кўпроқ қўлқоп тикиб чиқармоқдалар. Бу корхона экспорт қилаётган маҳсулотнинг қарийб 50 процентини Совет Иттифоқига юбормоқда. (ТАСС).

ВЬЕТНАМ БИЛАН БИРДАМЛИК МИТИНГИ

ПАРИЖ, 5 апрель. (ТАСС). Тинчлик учун курашувчи француздар ҳаракати Париж кенгашининг ташаббуси билан Вьетнамни қўллаб-қувватлаш митинги ўтказилди. Француз жамоатчилиги кенг доиларининг вакиллари, тинчлик тарафдорлари ва меҳнаткашларнинг вакиллари Мотюалите залига тўпланишди. Меҳмонлар орасида Вьетнам Демократик Республикаси ва Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукумати делегацияларининг аъзолари ҳам бор эди.

Митингда Жанубий Вьетнам Республикаси Муваққат революцион ҳукуматининг Парждаги ахборот марказининг директори Фам Ван Ба нутқ сўзлаб, АҚШ ва Сайгон маъмурияти Вьетнамда урушни тўхтатиш ва тинчликни тиклаш тўғрисидаги битимни бузаётганлигига доир жуда кўп фактлар ҳақида гапирди. Битим имзоланганидан кейин ўтган икки ой мобайнида, деди у, Сайгон авиациясининг самолётлари Жанубий Вьетнамнинг озод қилинган районларини 3.375 марта бомбардимон қилдилар. Жанубий Вьетнам территориясида аввалдагидек ҳозирда ҳам Американинг «маслаҳатчилар» деб аталган 15 мингдан ортиқ ҳарбий хизматчиси бор. АҚШ Сайгон режимига ҳарбий ёрдам беришни давом эттирмоқда.

Тинчлик учун курашувчи француздар ҳаракати ташкилотининг бош секретари Андре Сукъер бундай деди: Вьетнамда урушнинг тўхтатилиши — қаҳрамон Вьетнам халқининг ғалабаси, бутун инсоният тараққийпарвар кучларининг ғалабасидир. Франциядаги ва бошқа мамлакатлардаги тинчлик тарафдорларининг энг муҳим вазифаси, деб таъкидлади у, ҳушёр бўлиб туришдан ва Вьетнам ҳақидаги Париж битимига қаттиқ риоя қилиниши учун кураш олиб боришдан иборат.

А. Сукъер вьетнамлик дўстлар ва қардошларни ишонтириб, Франциядаги тинчлик тарафдорлари сиёларга доим ёрдам ва мадад берадилар, деди.

БУГУН ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ КУНИ

ИНСОН САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

САЛОМАТЛИК УЙДАН БОШЛАНАДИ

Жаҳон соғлиқни сақлаш куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошидаги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти [ВОЗ] томонидан ўтказилади. Бу ташкилотга дунёдаги барча давлатлар аъзо бўлиши мумкин. Ҳозир 150 га яқин давлат ВОЗнинг аъзоси.

ВОЗнинг 1946 йилда қабул қилган Уставига биноан, унинг асосий вазифаси " қуйидагилардан иборат: санитария характерига эга бўлган халқаро акцияларни ташкил этиш, касалликлар ва ўлим сабабларининг халқаро классификация ва номенклатурасини қайтадан кўриб чиқиш; фармацевтик, биологик дори-дармонларнинг халқаро стандартини ўрнатиш, наркотиклар устидан назорат олиб бориш; ҳукумат томонидан юқумли касалликларни йўқотиш бўйича олиб бориладиган чора-тадбирларнинг, шунингдек соғлиқни сақлашнинг барча соҳалари бўйича ўтказиладиган илмий-тадқиқот ишларининг координациясини аниқлаш; миллий соғлиқни сақлаш ташкилотини ташкил этишга ва ёрдамга муҳтож бўлган ҳукумат органларига ёрдам бериш; юқумли касалликлар ҳақида маълумотлар тўплаш: жаҳондаги барча мамлакатлар билан илмий ахборотлар бўйича тажриба алмашишдан иборат.

ВОЗнинг юқори органи ассамблея бўлиб, у 1948 йилнинг 7 апрелида чақирилган эди. ВОЗ қабул қилган Устав ҳам ана шу йилдан эътиборан кучга кирган эди. Ассамблеянинг ижроия комитети составига ўн саккиз мамлакатнинг вакиллари кирган. ВОЗнинг ишларини олиб бориш учун бош директор сайланади. Унинг резиденцияси Женевада (Швейцарияда) жойлашган. ВОЗ ташкил топганидан буён ўн беш мартадан ортиқ ассамблея чақирилди.

Совет Иттифоқи ВОЗнинг фаол қатнашчиси. ВОЗнинг ташаббуси билан 1948 йил 7 апрелдан бошлаб ҳар йили Жаҳон соғлиқни сақлаш куни ўтказилади. Бу кун ҳар йили ҳар хил касалликларнинг олдини олишга бағишланиб, турли шиор остида ўтади. Чунончи, бир неча йиллар мобайнида Жаҳон соғлиқни сақлаш куни юрак қон-томир, рак ва қанд касалликлари ҳамда кўчада шиддатланишнинг олдини олиш ва бошқа муҳим масалаларга бағишланиб ўтказилган эди.

Республикамиз медицина ходимлари бу йил Жаҳон соғлиқни сақлаш кунини аҳоли орасида санитария ва гигиена пропагандасини янада кенг қулоч ёйдириш, ўстма, сил, тери-таносил, ошқозон-ичак касалликларининг олдини олишда фаол иштирок этиш, ичкиликбозликка қарши кураш ишларини кенг авж олдириш билан (ВОЗнинг қарори бўйича «Саломатлик уйдан бошланади» деган шиор остида) муносиб кутиб олмоқдалар.

Саломатлик уйдан бошланади деганда, албатта катталар билан бир қаторда, айниқса, ёш болаларга катта ғамхўрлик қилиш ва уларнинг соғлиғини сақлаш назарда тутилади. Шунга кўра, республикамиз медицина ходимлари ҳам аҳоли ўртасида «Оила ва болалар соғлиғи» сингари мавзуларда лекция ва суҳбатлар уюштиришлари лозим.

Ҳозир республикамизда 1200 дан ортиқ касалхона, 515 та қишлоқ участка шифохоналари, 1700 та амбулатория ва поликлиника, 370 та аёллар консультацияси, 1337 та соғлиқни сақлаш пунктлари, мингдан ортиқ дорихона ва 3389 та дорихона пунктлари, 170 та санитария-эпидемиология станциялари, 12 та илмий-тадқиқот институти, тўртта медицина ва битта фармацевтика институти, йигирма битта ўрта медицина билим юрти халққа хизмат қилмоқда. Саломатликни сақлаш йўлида 28 мингдан зиёд малакали врач ва 90 мингдан ортиқ ўрта медицина ходимлари ишламоқдалар.

Партия ва ҳукуматимизнинг оталарча ғамхўрлиги, халқимиз фаровонлигининг яхшиланиши ҳамда малакали медицина хизмати яхши йўлга қўйилганлиги туфайли республикамиз аҳолиси ўртасида ўлим беш баравар, болалар ўртасида эса ўн баравар камайди. Аҳолининг ўртача умр кўриш даври икки баравардан ортиқ узайди.

Академик И. П. Павлов соғлиқни сақлаш ва умрни узайтиришда меҳнатнинг ролига юксак баҳо берган эди. Унинг ўзи ҳам жисмоний машғулот билан шуғулланар эди. Мамлакатимизда меҳнат саройлари, стадионлар, клублар, маданият ва истироҳат боғларининг кенг қулоч отаётганлиги бежиз эмас. Мана шу имкониятлардан оқилона ва мунтазам фойдаланиш шак-шубҳасиз соғлиқни мустаҳкамлайди ва умрни узайтиради.

Узбекистон медицина ходимлари халқимиз соғлиғини сақлаш йўлида ўзларининг бутун кучқуввати, тажриба ва билимини аямайдилар.

А. КАМОЛОВ,
Узбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари.

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

КУРАШ ДАВОМ ЭТМОҚДА

◆ АФИНА. Салоники шаҳридаги университетда кўпгина факультетларнинг эшиклари ҳали ҳам ёпиқ. Маъмурлар ўқув юртларида демократик ислоҳотлар ўтказиш учун курашаётган студентларнинг оммавий чиқишларини бостиришга уринмоқдалар. Студентлар шаҳарчаси яқинида полициянинг кучайтирилган нарядлари доимо патруллик қилиб юрибди. Университет ректори студентлар оммавий митинглар уюштирадиган бўлса ўқиш хоналарига полициячиларни чақираман деб таҳдид қилди. Студент активларининг қамоққа олинганлиги ҳақида хабарлар келиб турибди.

НАМОЙИШЛАР ТАҚИҚЛАНАДИ

◆ КАРОЧИ. Маҳаллий маъмурлар шаҳарда митинг ва намойишлар ўтказишни тақиқлашни яна бир ойга узайтирдилар. Кўчаларда беш кишидан кўпроқ бўлиб тўпланиш ҳам тақиқланади. Бу тақиқлаш полициянинг эски «жиноятлар тўғрисидаги кодекси» моддаларидан бирига асосланади.

ИШ ТАШЛОВЧИЛАР ҒАЛАБАСИ

◆ КАТМАНДУ. Непал «Ройял Непал эйрлайнз корпорэйшн» авиакомпанияси ердаги хизмати инженер-техник состави ва ходимлари эълон қилган забастовка механикашларнинг ғалабаси билан тугади. Забастовка қатнашчилари ишдан ташқари ишлаганлиги учун ва байрам кунлари ишлаганлиги учун ҳақ тўлашни бекор қилувчи янги қоидаларга қарши норозилик билдирдилар. Авиакомпания иш ташловчиларнинг талабларини қондиришга ваъда қилди.

ЯНГИ ҲАВО ЙЎЛЛАРИ

◆ БЕРЛИН. Пойтахтнинг марказий «Шенефельд» аэропортида «Куба де Авиасьон» авиакомпаниясининг «ИЛ-62» самолёти қўнди. У Куба билан ГДР пойтахтлари ўртасидаги масофани 12 соатда учиб ўтди. Шу рейс билан Гавана ва Берлин ўртасида мунтазам ҳаво йўли очилди. Куба авиакомпаниясининг самолётлари мана шу маршрут бўйича ойда икки марта қатнайди.

Берлин билан Хельсиннини боғловчи янги авиалиния ҳам яқинда очилди. 23 апрелдан бошлаб эса Берлин — Амстердам маршрути бўйича мунтазам учишлар бошланади.

КЎЧКИ ОҚИБАТЛАРИ

◆ ЛОНДОН. Перунинг шимоли-шарқида жойлашган Уатун посёлкаси районида улкан ер суриляпти юз берди. Бунинг натижасида 12 киши ҳалок бўлди ва ўн киши жиддий жароҳатланди. Суриляпти посёлкада ўндан ошиқ бинони вайрон қилди. Рейтер агентлигининг муҳбири Лимадан шу гапларни хабар қилди.

СССР БАЙРОҒИ ОСТИДА

◆ НЬЮ-ЙОРК. Совет — Америка муносабатлари тарихида СССРнинг давлат байроғини тиккан биринчи кема АҚШ Буюк кўлларига кириб борди. «Закарпатье» юк кемаси Юқори кўл соҳилида Дулут порти (Миннесота штати) сари бормоқда.

Буюк кўлдаги кема қатнови бошқармасининг маълумотига кўра, яқин икки ой мобайнида яна 50 та қиқин совет кемаси юк ортгани Дулут портига ва Сьюпириор портига (Висконсин штати) келади.

ЮК ТАШИШ ҚИСҚАРДИ

◆ НЬЮ-ЙОРК. Кейинги 20 йил мобайнида АҚШ савдо флотининг экспорт-импорт юк ташиш ҳажми ўн баравар қисқарди. «Грейт Лейкс деж энд док» компаниясининг президенти Ж. Даунс шундай деди. У Америка савдо флотининг аҳволи ташвишли деб ҳисоблайди. Унинг сўзларига кўра, АҚШ савдо флоти совет савдо кемаларига тақиқланганда айниқса орқада. СССР савдо флоти Американикига нисбатан анча замонавий, деб қолиди Даунс.

(ТАСС).

ТИЛГА КИРГАН СОПОЛ

ХАЛҚ кулолчилиги — санъат. Санъат бўлганида ҳам ноёб, нодир, камёб санъат. Инсон қўли шундай мўъжизалар яратадики, кўриб кўз қувонади, довруғини эшитиб дил яйрайди. Ахир, оддий лойдан ишланган шундай мўъжизавий санъат асарлари, буюмлар борки, инсоният ақл-заковси, дид-фаросати орқали бунёд этилган бу дурдоналар оддий лойдан яратилганлигига хайратланади, киши.

Ҳа, инсоннинг сеҳрли бармоқлари ана шу оддий лойни «тилга» киритади, сополлардан мўъжизалар яратади. Бутун авлод-аждоди ўз умрини, ақлу идрокини халқ ҳунармандчилигига бахш этган, халқимизнинг маданий бойлигига бойлик қўшган ва ўз севган касби туфайли номини абадиятга қолдирган халқ усталаримиз, устазодаларимиз борлигидан бехад фахрланамиз.

Куни кеча Тошкентда халқ кулолчилиги санъатига бағишланган асарлар кўриги ўтказилди. Кўрикни Ўзбекистон маҳаллий саноат министрлиги Давлат махсус бадиий технология конструкторлик бюроси кулолчилик лабораторияси ташкил этди. Бу ерда Риштон халқ бадиий ҳунармандчилиги заводи, Бухоро, Андижон, Хоразм, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган, Тошкент областлари маҳаллий саноат корхоналари ҳамда Қорақалпоғистон АССР маҳаллий саноат министрлиги халқ ҳунармандчилиги корхоналарида ишланган кулолчилик буюмлари намойиш қилинди. Халқ усталари ижод этган ажойиб кулолчилик асарлари орасида бежирим, чиройли, сержило уй-рўзғор буюмлари — сопол лаганлар, коса, ваза, чой сервизи, гулдон, кулдон, кўзачалар, ҳар хил эсдалик совғалари учун ишланган буюмлар бор.

Юқорида намойиш қилинган ранго-ранг халқ ҳунармандчилиги санъати асарларини яратишда тошкентлик уста Камол Туроповнинг хизматлари катта. Камол ака асли таниқли ҳунармандлар оиласидан. Унинг отаси машҳур халқ устаси, Ўзбекистон халқ рассоми марҳум Туроб Миралиев ўз ҳунари билан Иттифоқимизда ва чет элларда ҳам танилган. Ҳозир уста Камол ўз шогирдлари Акмал Аҳмаджонов, Адҳам Ҳакимовлар билан тинмай ижод қилмоқда, халқ дурдоналарини яратмоқда. Камол Туроповнинг шу кунга қадар етиштирган шогирдларини санайман десангиз юздан ортади. Улар республикамизнинг турли жойларида меҳнат қилиб, халқимиз учун керакли ажойиб буюмлар ишлаб чиқармоқдалар.

Халқ ҳунармандчилиги санъати асарлари кўригида бухоролик Саиджон Аҳмаджонов, андижонлик Саид Ҳамидов, қашқадарёлик Файзулла Абдуллаев ва қатор бошқа халқ усталари яратган ажойиб санъат асарлари, рўзғорбоп буюмлар нафислиги, рангларининг сержилолиги билан алоҳида ажралиб туради.

Кулолчилик санъати узоқ тарихга эга. Минг йиллардан бери яшаб, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган кулолчилик санъатимиз халқ эҳтиёжи учун зарур экан, у сира йўқолмайди, балки тобора яшариб, камол топиб, сайқалланиб бораверади. Фақат бу соҳага эътибор янада ортиши, халқ талаби даражасида бўлиши учун ҳали кўп ишлар қилиниши керак. Ўзбекистон маҳаллий саноат министрлиги республика Рассомлар союзи билан ҳамкорликда бу соҳага янада жиддийроқ аҳамият бериб, кулолчилик санъати буюмларининг хилларини кўпайтириши, сифатини яхшилаши ва халқ талаби даражасида ишлаб чиқариши лозим. Кўрикда намойиш этилган буюмларнинг миқдори янада кўпайтирилса, айрим янги ижод этилган нусхалари ҳам тезроқ ишлаб чиқарилса нур устига аъло нур бўлар эди.

А. ЮСУПОВ.



Суратларда: кўрикда намойиш этилган сопол буюмлардан намуналар.

И. Глауберзон фотолари.

ПИСТАЗОРЛАР

Ўзбекистон жанубидаги Боботоққа ёққан қорлар жуда тез эрий бошлади. Эриган қор сувлари кўп жойларда олдиндан тайёрлаб қўйилган ерларга оқиб, тупроққа сингимоқда. Ўрмон ходимлари бу сувларни боғларни суғориш учун тўпламоқдалар, чунки Боботоғда бир йилда 7 ой чамаси ёмғир ёғмайди. Қори эриб тугаган тоғ ёнбағриларидаги ерларга писта экиш бошланди.

Ези узоқ, қуруқ ва иссиқ бўладиган Боботоғ ён бағирлари республиканинг писта энг кўп етиштирадиган асосий зонаси ҳисобланади. Лаззатли, сермой писта мағизи кондитер саноатида жуда қадрли. Писта мағизидан олинадиган терпентин мойидан бадиий лаклар тайёрланади. Бу йил баҳорда мана шу тоғ бағриларидаги 300 гектар ерга писта экиш планлаштириб қўйилди.

Олимлар мана шу қимматбаҳо мева берадиган дарахтларини ўтказиш учун яроқли ерларни Ўзбекистоннинг бошқа тоғ зоналаридан ҳам топиб қўйдилар. Қашқадарё областидаги Яккабоғ тоғларида, Мирзачўл билан чегарадош Молгузар тоғ тизмаларининг ёнбағирларида ва Қизилқумга туташган Оқтов ёнбағирларида пистазорлар яратиш тайёргарлиги бошланди. Беш йилликнинг учинчи йилида Ўзбекистон ўрмончилари яна 900 гектар ерни пистазорга айлантирадилар. (ЎзТАГ).

Фан ва техника янгиликлари

ДЕҲҚОНЛАР ҚАРОРГОҲИ

СССР Фанлар академияси археология экспедицияси Эронда олиб борган тадқиқот ишларини якунлади. Экспедиция археологлар томонидан кам ўрганилган Мессопотамиянинг шимолида — Синжар водийсида изланиш ишлари ўтказди. Совет олимлари бизнинг асримизгача етти мингинчи йилда кўчиб келиб қолган энг қадимги деҳқонлар қароргоҳини аниқлашга муваффақ бўлдилар.

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Қутб балиқ хўжалиги ва океанография илмий-тадқиқот институти олимлари саккизинчи марта норвегиялик ва англиялик ҳамкасблари билан ҳамкорликда тадқиқот ишлари олиб бордилар. Бу илмий изланишдан кўзда тутилган асосий мақсад — яқин йилларда океан балиқ саноати учун прогноз ишлаб чиқишдан иборатдир. Қутб институти ходимлари «Фритъоф Нансен» ва «Поиск» кемаларида денгизга чиқдилар. Тадқиқот ишлари поёнига етгач, биргаликда илмий доклад тайёрланди. Ана шу ҳамкорлик натижалари денгизларни ўрганиш бўйича халқаро кенгашнинг 60 илмий сессиясига топширилди.

АСОСИЙ ТАЯНЧ

Антарктидада — Хобс қирғоғида (Мери Бард Ери) янги саккизинчи Совет Антарктида станцияси ташкил этилади. Хобс қирғоғи мазкур қитъанинг энг кам ўрганилган райони ҳисобланади: Совет станцияси билан қўшни Янги Зеландиянинг Скотт ва Американинг Мак-Мердо базалари ўртасидаги масофа ярим минг километрни ташкил этади. Станция мазкур районда муз қитъасининг ғарбий қисмини ўрганувчи совет қутбчилари учун асосий таянч пункти бўлиб қолади.

ҚАЛЪА «СИРИ»

Бундан уч йил муқаддам тарихий обидаларни муҳофаза қилиш Бутунроссия жамиятининг Ленинград область бўлими ва СССР Фанлар академияси археология институти Ленинград бўлими томонидан ташкил этилган археологлар отряди илмий ходими О. В. Овсянников раҳбарлигида Копорье қалъасида қазиш ишлари билан банд бўлган эди. Йилномада «Копорье» номи 1239 йилда биринчи марта қайд этилгани маълум. Шундан кейин бу ерда ливанликлар, новгородликлар ва москваликлар бир неча марта қўрғон қуришган. Ўрганилган иншоот XV—XVI асрларда қурилган. Орешек, Ям, Ивангородлар билан биргаликда бу қалъа Москва Руси мудофаа иншооти системасига кирган.

Ўтган йили археологлар XIII аср қолдиқларини топишга муваффақ бўлишди. Ленин бу иншоотни ким ва қачон қурганлиги ҳозирча «сир» бўлиб турибди. Шунисини равшанки, олимлар ноёб объектни аниқлашга муваффақ бўлдилар.

КАНАЛ «ТЎН» КИЙМОҚДА

ФАРҒОНА. (ЎзТАГ мухбири). Катта Андижон каналидан сув оладиган йигирма километрли шохобча каналининг ўзанига бетон қоплаш бошланди. Фарғона механизаторлари бу ишларнинг биринчи навбатини ғўзани суғориш бошлангунча битказмоқчилар. Канал шохобчасини тўла равишда ишга солиш уч минг гектар қўриқ ерни ўзлаштиришга ва Боғдод ҳамда Ленинград районларида эскидан экиб келинган йигирма минг гектарга яқин ерни сувга яхшилаб қондиришга имкон беради.

БУГУН МАМЛАКАТ ФУТБОЛ ЧЕМПИОНАТИ БАЙРОҒИ КЎТАРИЛАДИ

ЯШАРГАН «ПАХТАКОР»

Миллионлаб футбол мухлислари кутган серзавқ онлар етиб келди. Бугун мамлакат ўттиз бешинчи футбол чемпионати байроғи кўтарилади. Футболчилар бундан икки ой илгариёқ яшил майдонларда машқларни бошлаб юборишганди. Бугундан ана шу машқлар қандай натижалар бериши кўрина бошлайди. Севимли «Пахтакор» командамиз учун бу йилги мавсум алоҳида синов йили бўлади. Команда мавсумга қандай тайёргарлик кўрди? «Совет Ўзбекистони» мухбири неча «Пахтакор» командасининг катта тренери ва етакчи ўйинчиларига ана шу савол билан мурожаат қилди. Мана, уларнинг жавоблари билан танишинг:

В. Д. СОЛОВЬЕВ,
Украина, Грузия ва Ўзбекистонда хизмат кўрсатган тренер:

— Ҳозирданоқ айтиб қўйиладиган гап шуки, бу йилги мавсум қийин бўлади. «Пахтакор» ўтган йили ўз лигасининг ғолиби сифатида мухлисларни қизиқарли ўйинлари билан хурсанд қилиб турди. Лекин, бу йил биринчи лигада эмас, пахтакорчилар олий лигада ўйнашяпти. Олий лиганинг олий талаблари бор. Командамиз шунга яраша тайёргарлик кўрди. Ўйинчиларнинг маҳоратини ошириш устида қунт билан ишлашга тўғри келди. Ёшларга катта ишонч билдирганимиз ўтган мавсум охирида ўзини оқлади. Бу йил ҳам умидимиз ёшлардан. Шу ниятда истеъдодли ва турли мусобақаларда ўзини кўрсатиб юрган ёшларни иккиланмасдан команданинг асосий составига киритдик.

Бугун бошланаётган мавсум олий лигада қатнашаётган бошқа коллективлар сингари, бизнинг командамиз учун ҳам жиддий ва жуда масъулиятли бўлади.

Б. АБДУРАИМОВ,
СССР спорт мастери, команда капитани:

— Ҳар биримиз учун бу мавсум катта кўрик бўлади. Қайси ўйинчи нималарга қодирлигини дастлабки учрашувлароқ кўрсата бошлайди. Командамиз футболчилари уюшқоқлик билан ўйнаш, коллективчилик анъаналарини давом эттириш, командамизнинг умумий манфаатлари учун қатъий курашиш ниятини кўнглига тугиб қўйган. Ўзимнинг ҳам эзгу ниятларим бор. Рақиблар дарвозасига киритадиган жами тўпларим сонини 100 тадан ошириб, машҳур футболчи Федотов клубининг аъзоси бўлишга ҳаракат қиламан. Маҳоратимни командага янги қабул қилинган ўйинчиларга қунт билан ўргатаман.

Т. ИСОҚОВ,
СССР спорт мастери, команданинг ҳужумчиси:

— Ўтган йили соғлиғим яхши бўлмагани сабабли ўйинларда тузукина қатнаша олмадим. Ўзим ҳам футбол майдонини соғиниб қолганман. Янги мавсумда астойдил ўйин кўрсатиш ниятидаман. Командадошларим билан ҳамкорликда севимли коллективимизнинг довруғини оширишга ҳисса қўшиш учун бутун маҳоратимни ишга соламан. Яна бир гапни айтиб қўяй: ўтган йил фойдаланолмай қолган имкониятларимни бу мавсумда албатта ишга соламан.

* * *

«Пахтакор»нинг катта тренери Вячеслав Дмитриевич Соловьев айтмоқчи, бу йилги мавсум ниҳоятда масъулиятли ва шу билан бирга қизиқарли ўтади. Гап шундаки, футбол ўйинлари қоидаларига янги ўзгартишлар киритилди. Барча коллективлар бутун эътиборни ҳужумкорликка қаратишлари ҳозирданоқ маълум. Ҳар бир футболчи — у хоҳ ҳужумчи, хоҳ ҳимоячи, хоҳ ярим ҳимоячи бўлсин — барибир, фақат ғалаба учун кураш олиб боришга даъват этилган. Футбол ўйинларига жорий қилинган янгилик учрашувларнинг ниҳоятда қизиқарли ўтишини таъминлайди.

Бу янги қоидалар командаларга катта масъулият ҳам юклайди. Асосий ўйин вақтида ғалабага эришиш учун қатъий кураш боради. Ўн бир метрлик жарима тўпларини тепадиган маҳоратли ўйинчиларни кўпайтириш зарур бўлади. Бу талаб ҳар бир команданинг ўйинчилари маҳоратли ва ҳужумкор бўлишини тақозо этади.

Командамиз мавсумга яшариб келди. Команда звеноларида ўйинчиларнинг жойлаштирилишида ўзига хос йўл тутиляпти. Энди тажрибали футболчилар ёнида коллективга янги қабул қилинган ўйинчиларнинг ҳамкорликда тўп суриши томошабинга қанчалик завқли эканлигини мухлислар яхши ҳис қилишади. Командага истеъдодли ёшларни қабул қилиш наф келтиришини ўтган мавсум тасдиқлади. Бу йил яна шу йўлдан борилади. Янги мавсумда В. Фёдоров, В. Хадзипанагис, Ю. Иванов, М. Ан, А. Иванков, Ю. Басов, О. Ашуров ва бошқа ёшлар ўз маҳоратларини ошира бориб, «Пахтакор»нинг асосий составидан ўрин олдилар. Биродар Абдураимов, Тўлаган Исоқов, Розиқ Турғунов, Виктор Варюхинлардан иборат тажрибали футболчилар билан ёнма-ён ўйновчи умидли ёшлар асосий составда ишончли ансамбль вужудга келтира оладилар деб ҳисоблаймиз. Александр Говоров тажрибаларини ўрганиб бораётган Энвер Абхаиров ва Александр Покатилов ҳам командамиз дарвозасининг дахлсизлиги учун курашадилар.

Бугун Иттифоқимизда биринчи бўлиб Тошкентдаги марказий стадионда мамлакат футбол чемпионатининг байроғи кўтарилади. Чемпионат ўйинлари жиддий курашлар вазиятида ўтиши ва қизиқарли бўлиши кутилмоқда. Республикамиз пойтахтидаги стадионга ташриф буюрганлар дастлабки ўйинда Москванинг торпедочилари билан «Пахтакор»нинг куч синашувини томоша қиладилар. Командамизга олий лигада омад тилаймиз!

Ж. ХОЛҚОСИМОВ.

✦ ХОККЕЙ

Муҳим ғалаба

Ўтган куни жаҳон чемпионатида асосий учрашувлардан иккитаси ўтказилди. Пешқадамликка даъвогарлик қилаётган командалардан ЧССР билан совет хоккейчилари ўртасида ўтказилган учрашув қизғин ва шиддатли спорт курашига айланди. Ўйин совет хоккейчилари фойдасига 3:2 ҳисобида тугади. Швеция — Финляндия командаларининг учрашувида ҳам 3:2 ҳисоби қайд қилинди. Бу учрашувлардан кейин ўйинлар жадвали қуйидагича ўзгарди:

Командалар	У	Ю	Д	М	Ш	О
СССР	4	4	0	0	37-6	8
Швеция	4	4	0	0	24-6	8
ЧССР	4	2	0	2	20-8	4
Финляндия	4	2	0	2	17-14	4
ГФР	4	0	0	4	8-37	0
Польша	4	0	0	4	6-39	0

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

9 АПРЕЛЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 17.25 — МОСКВА. 17.30 — Янгиликлар. 17.40 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.10 — Резервлар излаб. 18.35 — ТОШКЕНТ. 18.40 — Совет Армияси жангчилари учун кўрсатув. 19.00 — «Ахборот». 19.15 — Миллионлар ленинча университети. 19.30 — Ўн минут музика. 19.40 — «Ахборот». 20.00 — МОСКВА. Халқаро понорама. 20.30 — **Хоккей:** Швеция — Польша. 21.30 — «Вақт». 22.00 — ТОШКЕНТ. **Платон Кречет** (телеспектакль). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.35 — МОСКВА. 19.30 — Концерт. 20.00 — ТОШКЕНТ. А. Алматинскаянинг ижодий портрети. 20.40 — «Фан» программаси. 21.10 — Ҳужжатли фильм. 22.00 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

10 АПРЕЛЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Мультфильм. 11.10 — **Қизил галстук** (бадиий фильм). 12.30 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.40 — «Ахборот». 18.55 — МОСКВА. **Хоккей:** СССР — Финляндия. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — МОСКВА. 18.30 — СССР халқлари рақслари. 18.55 — ТОШКЕНТ. Мультфильм. 19.05 — Кино оламида. 20.15 — Оламда нима гап? 20.45 — Концерт. 21.30 — МОСКВА. Телефильм. 22.00 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 22.30 — А. Н. Островский туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган кўрсатув. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — Классик музика саҳифаларида. 20.50 — **Айбсиз айбдорлар** (бадиий фильм).

11 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.15 — Концерт. 19.45 — Ахборот. 20.00 — Ўн минут музика. 20.10 — Ахборот. 20.20 — МОСКВА. **Хоккей:** ГФР — ЧССР. 21.15 — Концерт. 21.30 — А. Н. Островский туғилган кунининг 150 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва концерт. 00.15 — Концерт. 01.00 — **Хоккей:** Польша — СССР. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Қўғирчоқ фильм. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — **Қизил альпинистлар** (бадиий фильмнинг 6-серияси). 12.25 — Ўқув кўрсатуви. 18.30 — МОСКВА. 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Бадиий фильм. 20.30 — ТОШКЕНТ. **Оламга саёҳат.** 21.40 — Адабий кўрсатув. 22.00 — «ЗЕҲН» (Хоразм — Андижон). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Телефильм. 19.30 — Ўқув кўрсатуви. 20.10 — **Ватандан узоқда** (бадиий фильм).

12 АПРЕЛЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.00 — Космонавтика кунига бағишланган кўрсатув. 18.30 — Ҳужжатли фильм. 18.45 — **Хоккей:** Польша — СССР. 19.30 — Миллионлар ленинча университети. 20.00 — ТОШКЕНТ. 20.05 — Ахборот. 20.20 — Шеърият мухлисларига. 20.30 — Ахборот. 20.45 — Дала меҳнаткашлари учун кўрсатув ва концерт. 21.30 — Москва. «Вақт» 20.00 — Космонавтика кунига бағишланган кўрсатув. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Қўғирчоқ фильм. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 12.00 — **Қизил альпинистлар** (бадиий фильмнинг 7-серияси). 12.25 — Ўқув кўрсатуви. 19.10 — Мультфильм. 19.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 20.00 — МОСКВА. Концерт. 20.15 — **Осмон калити** (бадиий фильм). 21.30 — ТОШКЕНТ. Ишчи—фахрли ном. 22.00 — Теленовелла. 23.00 — Кинокўрсатув. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Илмий-оммабоп фильм. 20.15 — Мультфильм. 20.40 — **Евгения Гранде** (бадиий фильм).

13 АПРЕЛЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30 — МОСКВА. 18.00 — ТОШКЕНТ. 18.10 — «Мардлик мангулик». 18.40 — Ахборот. 18.55 — МОСКВА. **Хоккей:** Швеция — Финляндия. 21.15 — Ахборот. 21.35 — Халқ талантлари. Уммас Саиджонов. 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.25 — **Хоккей:** СССР — ЧССР. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Қўғирчоқ фильм. 11.50 — Фильм-балет. 18.00 — МОСКВА. 18.30 — Опералардан парчалар. 18.55 — ТОШКЕНТ. Мультфильм. 19.05 — Жанговар постда. 19.30 — Созанда — педагог. О. Юсупова. 20.15 — Цирк томошалари. 21.15 — Телеспектакль (Москва). 22.00 — «Ўзбекистон чорвадори». 22.30 — **Рюбецаль томон йўл** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — Ўт билан ўйнашма. 19.35 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Врач маслаҳати. 20.15 — **Воқеа Пенковда бўлган эди** (бадиий фильм).

14 АПРЕЛЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Экран хандаси. 10.50 — Телефильм. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Қўғирчоқ спектакль. 11.30 — «Здоровье». 12.00 — Кинокўрсатув. 13.00 — Концерт. 13.30 — **Совет Грузияси** (телефильм). 14.30 — Концерт. 14.50 — **Ҳайвонот оламида.** 16.10 — ТОШКЕНТ. 16.20 — «До-ре-ми-фа-соль». 16.50 — «Звёздочка». 17.40 — Ахборот. 18.00 — **Футбол:** «Пахтакор» — «Динамо» (Москва). 19.50 — Ахборот. 20.10 — Назм ва наво. 21.00 — МОСКВА. Спорт программаси. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Нукус телевидениеси кўрсатади (Тошкент). 24.00 — **Хоккей:** ГФР — Польша. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 13.00 — Спорт кўрсатуви. 16.10 — МОСКВА. 21.00 — ТОШКЕНТ. **Хўжа Насриддиннинг 12-қабри** (бадиий фильм). 22.30 — **Кето ва Котэ** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.10 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

15 АПРЕЛЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — «До-ре-ми-фа-соль». (такрорий кўрсатув). 10.55 — Спорт программаси. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.45 — Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун кўрсатув. 12.15 — Музикали киоска. 12.45 — Қишлоқ хабарлари. 13.40 — **Олтин ғоз** (бадиий фильм). 14.45 — Музикали учрашувлар. 15.25 — Инсон ва қонун. 15.55 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 16.55 — **Хоккей:** ЧССР — Финляндия. 19.20 — ТОШКЕНТ. 19.25 — Ахборот. 19.35 — **Экран хандаси** (такрорий кўрсатув). 20.15 — Ахборот. 20.25 — МОСКВА. **Хоккей:** СССР — Швеция. 23.30 — Концерт. 24.00 — **«Вақт».** ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.50 — «Кичкинтой» программаси. 19.20 — **Телеминиатюралар** (Москва). 20.25 — «ЧАШМА». 22.00 — Дала ишлари кундалиги. 22.35 — **Мен — терговчи** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.55 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.50 — ТОШКЕНТ. 9.55 — Янгиликлар. 10.05 — Телеминиатюралар. 10.45 — Телефильм. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Мультфильмлар. 12.00 — Бугун—саломатлик куни. 12.30 — Концерт. 13.00 — Адабий ўқиш. 13.20 — Совет Озарбайжони (телефильм). 14.15 — СССР ва Венгрия бадиий ҳаваскорлари концерти. 15.00 — Ҳужжатли фильм. 15.30 — Ёш мухбирларнинг СССР космонавт учувчиси А. А. Леонов билан учрашуви. 16.15 — ТОШКЕНТ. 16.25 — Мультфильмлар. 16.35 — «Санъат ғунчалари». 17.10 — Ишга тушириладиган объектлар йўқламаси, «Совет Ўзбекистони» газетаси республика телевидениеси ва радиосининг қўшма рейди. 17.35 — «Ахборот». 18.00 — **Футбол:** «Пахтакор» — «Торпедо» (Москва). 19.45 — «Ахборот». 20.00 — Марҳабо, талантлар (концерт). 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.25 — **Хоккей:** Швеция — СССР. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 12.00 — **Қизил альпинистлар** (бадиий фильмнинг 4-серияси). 12.30 — Ўқув кўрсатуви. 16.15 — МОСКВА. Фильм-спектакль. 18.55 — **Партком секретари** (телефильмнинг 1-2 серияларн). 21.15 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — Концерт. 22.00 — «Ўзбекистон» киножурнали. 22.10 — **Майор Вихрь** (бадиий фильмнинг 1-серияси). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 16.15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/IV да **Тановар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/IV да **Йўқолган узук.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/IV да **Ужарлар.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — Совет циркининг ҳайвон ўргатувчиси Бутуниттифоқ кўригининг лауреати **Б. Денисов Африка шерлари билан** (охирги гастроллари, кундуз соат 12, 3 ва кеч соат 8 да).

КИНО

Шайтон малайлари иблис тегирмонида; Айиқ — «ЧАЙКА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1.30, 4, кеч соат 6.30, 9 да), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2.30, 5 ва кеч соат 8 да), «МОСКВА» (кундуз соат 12.30, 3, 5.30 ва кеч соат 8.30 минутда), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 10, кундуз соат 1, 4 ва кеч соат 7 да).

Бугун яшаш, эртага ўлиш — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 2, 3, 5, кеч соат 8, 9 да), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз соат 12, 2, 4, кеч соат 6, 8, 9.45 минутда), «ВОСТОК» (эрталаб соат 11, кундуз соат 1, 5, кеч 7, 8.30 минутда), «ДРУЖБА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 2, 5 ва кеч соат 8 да).

Шайтон малайлари иблис тегирмонида — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч соат 6, 9 да), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 3, кеч соат 6, 9 да).

Охирги ўқ — САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз соат 12.45, 2.30 4.15, кеч соат 6, 7.45, 9.15 минутда).

Қўланка билан жанг — «СПУТНИК» (кундуз соат 12 ва кеч соат 6 да).

Одам-оркестр; Тахта — «ҚУКЧА» (эрталаб соат 11, кундуз соат 2, 5 ва кеч соат 8 да).

Самовий саргузаштлар — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10.30, кундуз соат 1, 3.30, кеч соат 6, 8.20 минутда).

Яшасин севги! — «ВОСТОК» (кундуз соат 2, 5 ва кеч соат 8 да).

Она муҳаббати — ҲАМЗА номли (эрталаб соат 11.30, кундуз соат 2.30, 5.30 ва кеч соат 8.30 минутда).

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлигининг коллективи, министрликнинг Фан бош бошқармаси, Қишлоқ хўжалигини иқтисод қилиш Ўрта Осиё илмий-тадқиқот институти ва министрликнинг Меҳнатни илмий ташкил қилиш маркази Меҳнатни илмий ташкил қилиш марказининг директори Д. З. Зокирхўжаевга онаси

Раҳбархон ХЎЖАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ✦ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — 82. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 03345.